БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Ёш ленинчи

1990 йил
3 январь
Чоршанба
№ 2 (13.438).
Баҳоси 3 тийин.

• Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: Наманган

Ҳамма айб ўзимизда

ДЕЙИШДИ ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ XX КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ КЎПЧИЛИГИ

Икки ўсмир ўзаро гурунглашиб кетишаяпти. Иккаласининг ҳам елкасида спорт сумкаси. Қадам ташлашлари шаҳдам-шаҳдам.

— Комсомолга ўтамизми Адҳам, — дўстини саволга тутади новчароғи.

— Бе, қўйсангчи, нима сенга олхўри берармиди шу комсомолинг.

— Мен ўтмоқчиман, ариза ҳам ёзиб қўйдим, — дейди унга жавобан кичкинаси.

— Майли, ўтсанг ўтавер. Кейин ўзинг пушаймон ейсан. Ҳали мажлисга қол, ҳали аъзолик бадалини тўла деб, роса бошингни қотиришади. Буниси ҳам ҳолва. Бирор ножўя хатти-ҳаракат қилсанг, ҳаттоки дарсга кеч қолсанг ҳам «комсомол аъзосисан» деб таъна-дашном бераверишади.

Болаларнинг гапларини эшитиб, ўйга толаман. Рости кейинги вақтларда комсомол ҳақида, унинг жамиятдаги тутган роли, эгаллаган ўрни ҳақида турли-туман гап-сўзлар бўлмоқда. Баъзи бировлар комсомол ташкилотлари бу шунчаки бир расмий ташкилот-да дейишса, яна бошқалари комсомолнинг умуман кераги йўқ, дейишмоқда. Ўзга катта бир гуруҳдагилар эса комсомол аввал ҳам яшаган, ҳозир ҳам яшаяпти, бундан кейин ҳам яшайди, у йигит-қизларнинг ҳақиқий чиниқиш мактаби деб айтишмоқда. Хуллас, қарама-қарши фикрлар, тушунчалар... Буларнинг ҳаммаси қайта қуриш, ошкоралик ва демократиянинг шарофати. Янгича ишлаш, янгича фикрлашнинг самараси.

Собиржон ака Бадалов комсомол ветерани. Ҳозирда қариллик гаштини сураётган бўлсада, бирон дақиқа ҳам тинибтинчимайди. У узоқ йиллар мобайнида Задарё ноҳиясидаги «Гигант» жамоа хўжалигида фирқа котиби, хўжалик раиси лавозимларида ишлади. Улуғ Ватан уруши ветерани. Самарали меҳнатлари беиз кетмади. Ленин, Октябрь революцияси, Қизил Юлдуз, учинчи даражали Шуҳрат ордени ва Улуғ Ватан уруши орденлари, қанчадан-қанча медалларнинг соҳиби бўлди. Айни кунда Собиржон ака ноҳия уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раисилар. Турли-туман тадбирлар уюштиришда ва уни ўтказишда шахсан фаол иштирок этадилар. Айниқса у кишига йигит-қизлар ва мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашиш хуш ёқади.

— Комсомоллик йилларим 30—40 йилларга тўғри келган, — дейдилар у киши сал кулимсираб, — у даврларда комсомолнинг обрўйи баланд, тутган роли ҳам катта эди. Шундай вақтлар ҳам бўлардики, ҳатто хўжалик раҳбарларини комсомол йиғинига таклиф этиб, роса «дўппослар» эдик. Қани шундан кейин бошлиқлар комсомоллар билан ҳисоблашмай кўришсин-чи? Ҳозирчи, ҳозир? Тамоман бошқача. Мен бирор бир комсомол йиғинида каттароқ лавозимда ишлайдиган раҳбарларнинг танқид қилинганини яқин ўртада эшитганим ҳам, кўрганим ҳам йўқ. Ҳамма айб ўзимизда — комсомолларда. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиша олмайдилар.

Ҳақ гап. Комсомолнинг бугунги кундаги обрўси бирмунча тушиб кетди. Буни ҳамма ҳам, айниқса биринчи навбатда комсомол ходимлари ҳам очиқ-ойдин эътироф этишмоқда. Шу боис Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг жамиятда ва ёшлар оммаси ўртасида тутган ўрнини, мавқеини ошириш учун иш услубларининг турли-туман усулларидан фойдаланишга интилмоқдалар. Шундай бўлишига қарамай, ҳамон комсомол ўз мавқеини тўла тиклаб ололганича йўқ.

Хўш, комсомолнинг обрў-эътиборини ошириш учун нималар қилиш, асосий диққат-эътиборни қайси соҳаларга қаратиш керак? Бизнингча, энг аввало комсомолга ёшларнинг турли қатламлари орасидан эътиқодли, эркин фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юрт манфаати, халқ манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб, тенгдошлари, ташкилоти ва ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга қодир йигит-қизларни саралаб олиш керак. Турғунлик йиллари даврида бўлганидек, ёшлар союзига тўда-тўда қилиб қабул қилишга қатъиян чек қўйиш лозим.

Шу ўринда комсомол комитетлари аппаратларида ишлайдиган ходимлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ноҳия, шаҳар ва вилоят комсомол комитетларида ишлайдиган йигит-қизларнинг деярли 90 фоиздан кўпроқ қисми «баландроқ кўтарилишни» истайдилар. Қандай қилиб бўлмасин, қайси йўл билан бўлмасин амал курсиси пайида бўладилар. Қани уларга бирор бир, улар ибораси билан айтганда: «пастроқ иш»ни таклиф қилиб кўрингчи, боришармикин? Йўқ. Боришмайди. Бориш у ёқда турсин, ҳатто гапингизга қулоқ солишни ҳам исташмайди.

Наманган шаҳридаги 10-ўрта мактаб тарих ўқитувчиси, конференция делегати Матлуба Воҳидова билан комсомолнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида суҳбатлашамиз. У дона-дона сўзлайди. Фикрлари аниқ ва тиниқ. Мушоҳадаси ўткир.

— Хўш, бошланғич комсомол ташкилотлари фаолияти суст деяпмиз, — дейди у куюнчаклик билан, — нима қилиш керак? Оғир вазиятдан чиқишнинг йўли қандай? Менимча, вилоят комсомол комитетида икки-уч йил ишлаб, маълум бир тажриба тўплаган ёшларни ҳеч иккиланмасдан боринг-ки, ҳеч бўлмаса райком ҳуқуқидаги бошланғич комсомол ташкилотларига етакчи қилиб жўнатиш тажрибасини кенг қўллаш зарур. Қачонгача бошланғич комсомол ташкилотлари фаолиятига қора суртамиз, котибларни эса ёмонлаймиз. Айб ўзимизда. Ташкилотлар фаолиятини жонлантириш учун ҳар қандай йиғилишлар қилмайлик, қанчадан-қанча тадбирлар белгиламайлик, узундан-узоқ ўнлаб қарорлар қабул қилмайлик, барибир фойдаси йўқ. Асосийси, амалий ҳаракат керак. Шундагина мақсадга эришиш мумкин.

Ҳисобот даврида вилоят комсомол ташкилотлари ҳаётида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди. Ёшларнинг кенг қатламлари билан яқин мулоқотда бўлинди. Бу борада айниқса Янгиқўрғон, Чуст ноҳиялари комсомол ташкилотлари ишлари диққатга сазовордир. Мазкур ноҳиялар комсомол ташкилотлари ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва намунали ўтказиш учун астойдил интилмоқдалар. «Шанба оқшоми» оммавий сайлини ташкил этиш бу ерларда анъанавий тус олди. Сайлда ёшлар ўзаро суҳбат тарзида касб-корлари бўйича тажриба алмашадилар. Мириқиб ҳордиқ чиқарадилар, концерт программаларини кўрсатадилар. Бир сўз билан айтганда, бу анъана вилоят миқёсида кенг ёйишга арзигулик.

Наманган шаҳри комсомол комитети томонидан Совет ноҳиясида ташкил этилган «30 ёшлилар учун» клубининг ишлари ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек, талабалар ва ўқувчилар ўртасида турли соҳаларда, мавзуларда «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-конкурслари мунтазам равишда ўтказилиб борилаётир.

Турли-туман тадбирларни ташкил этишда ва ўтказишда истеъфодаги ва байналмилалчи жангчи комсомолларнинг ҳиссаси катта бўлаётганлигини таъкидлаб ўтиш айниқса ёқимлидир. Айнан уларнинг бевосита бошчилигида вилоятда йигирмага яқин ҳарбий-ватанпарварлик клублари ва уюшмалари тузилди. Собиқ «афғон»лар ишлаб чиқаришда фаол иштирок этиш билан бирга ҳарбий хизматга чақирилувчи ёш ўсмирлар ўртасида ҳам жонли иш олиб бормоқдалар.

Юнусхон Мўйдинов ҳам собиқ «афғон»лардан. 1984—1986 йиллар мобайнида Афғонистоннинг Файзиобод шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаган. Жанговар медаллар олган. Айни вақтда у Тўрақўрғон ноҳиясидаги Ленин номли совхозида бригадир ёрдамчиси бўлиб ишлайди.

— Ҳар бир комсомол аъзоси ташаббус кўрсатиб ишлаши керак, — дейди у. — Совхозимизда спортга қизиқадиган ёшлар талайгина. Хизматдан қайтгач, совхоз комсомол ташкилоти котиби Мамасоли Отабоевга учрашдим. Бокс тўгараги очиш ҳақида у билан анча фикрлашдик.

— Майли, — деди Мамасоли. — Қандай ёрдам керак бўлса берамиз.

Шундай қилиб, хўжаликда бокс тўгараги ташкил этилди. Унда қатнашиш орзусичи билдирган 50 дан ортиқ ўсмирлар машғулот ўтказа бошладилар. Лекин хонамиз тор, шу боисдан ҳам барча хоҳлаганларни тўгаракка қабул қила олмадик. Ҳозирча 20 бола мунтазам равишда машғулотларга қатнамоқда.

— Агар, — дейди конференция делегати Юнусхон гапини давом эттириб. — Вилоятимиздаги 3300 дан ортиқ собиқ «афғон»ларнинг ҳар бири ёшларни, айниқса, армияга чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишида фаол иштирок этсалар, ўйлайманки, наманганлик йигитлар қурилиш батальонларида эмас, балки ҳақиқий жанговар қисмларда хизмат қиладилар.

Ташаббускорларни, айниқса собиқ байналмилалчи жангчиларни қўллаб-қувватлаш, фаол амалий ёрдам бериш, жамоа хўжаликлари, совхоз ҳамда ноҳия комсомол комитетларининг биринчи галдаги ишлари бўлиши даркор. Шундай қилингандагина оз бўлсада ишда ижобий ўзгариш бўлиши, ёшлар ишончини қозониш мумкин. Ҳар қандай янги ҳаракатни, биринчи галда у ёшлар фаолиятига доир бўлса, ҳар томонлама кенг, мукаммал ўрганиш ва тезда ҳаётга тадбиқ этиш зарур.

Вилоят халқ хўжалиги тармоқларида ёшлар катта куч эканлигини бугунги кунда ҳамма эътироф этаётир. Ёшлар саноат корхоналарида, завод ва фабрикаларда, пахта далаларида сабру-тоқат, чидам ва сабот билан меҳнат қилмоқдалар. Ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил равишда ортиғи билан адо этиб, ҳамкасблари ҳурмат-эътиборини қозонаётирлар. Ҳозирги кунда вилоят меҳнаткашлари Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси йигирув фабрикасидан Мамадали Мамасолиев, шаҳардаги 2-автокорхона ҳайдовчиси Андрей Сухарев, 15-авторемонт заводидан Ҳамидхон Дадамирзаев, Уйчи ноҳиясидаги Ленин йўли жамоа хўжалигидан Абдулазиз Парпиев сингари ёш ишлаб чиқариш илғорлари номини фахру-ифтихор билан тилга оладилар.

Лекин комсомол ташкилотлари ҳамма ерда ҳам комсомол-ёшлар бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақани намунали йўлга қўя билмаяптилар. Ўзаро меҳнат баҳсини қизиқарли, жонли ташкил эта олмаяптилар. Мусобақани якунлашда изчиллик бўлмаётир. Ғолиблар ҳамма вақт ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмаяпти. Агар ўзаро мусобақадошлар ишлари вақти-вақти билан ўрганиб чиқилса, меҳнат натижалари тез-тез эълон қилиниб турилса, айни муддао бўлур эди.

Йигит-қизлар ишлашяпти. Ишлаганда ҳам сидқидилдан меҳнат қилишяпти. Лекин вилоятдаги барча ёшлар ҳам умумфойдали ишлаб чиқаришга жалб этилмаган. Ишсизлар, «армия»си кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Айни кунда вилоятда меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган 203 мингдан ортиқ киши ишсиз юрибди. Бу ачинарли ҳол билан асло келишиб бўлмайди, албатта.

Вилоят, шаҳар, ноҳия ва бошланғич комсомол ташкилотлари жойлардаги маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ёшларни ишга жойлаштириш борасида муайян ишларни амалга ошираётирлар. Фақат сўнгги икки йил мобайнидагина комсомол ташкилотлари йўлланмаси билан 1500 нафардан ортиқроқ йигит-қизлар вақтинча ва доимий ишга жойлаштирилди. Шу йилнинг ўзидагина биргина Задарё ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалиги комсомол комитети томонидан 60 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Шундай бўлсада, ҳали қилиниши керак бўлган асосий юмушлар олдинда.

Ижара ва оилавий пудратлар юзага келиши муносабати билан қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизлик яна ҳам авж олди. Бу ҳолнинг олдини олиш учун ноҳия ва посёлка марказларида кичик-кичик бўлсада, саноат корхоналари қурилиши мўлжалланмоқда. Ҳаракатдаги корхоналарни эса икки ва уч сменада ишлатиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Ўн учинчи беш йилликда вилоятда қўшимча равишда 130 минг кишилик янги иш ўринларини ташкил этиш мўлжалланаётир.

Ҳисобот маърузаси юзасидан бўлган музокараларда ўнлаб турли касбдаги, ихтисосдаги ёшлар, мактаб ўқувчилари қатнашдилар. Уларнинг деярли ҳаммаси вилоят ва ўзлари ҳисобида турган бошланғич комсомол ташкилотлари олдидаги муҳим вазифалар хусусида эркин фикр юритишди. Қайта қуриш, ошкоралик ва демократия шароитида юзага келган ва келаётган муаммоларнинг ечими йўлларини излашди. Бунга қайсидир маънода эришилди ҳам, эришилмади ҳам.

Лекин шуниси таажжубланарлики, маърузанинг таҳлили юзасидан бўлган очиқ мулоқотда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилувчи бирорта ҳам комсомол-ёшлар бригадалари бошлиқлари сўзга чиқиб, ўз «дард»ларини баён қилмадилар. Шундай йирик ишлаб чиқариш потенциалига эга бўлган вилоятда наҳотки қишлоқ хўжалиги йўналишида муаммолар бўлмаса? Бор. Бўлганда ҳам талайгина. Пахта ҳарид нархини ошириш, қишлоқ турмуш тарзи, маданий-маиший хизмат, бўш вақтни мазмунли ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги узилишлар... Уларни бирма-бир санаб саноғига етолмайсан. Лекин қишлоқ ёшлари нима учундир ўз юракларидаги «дард»ларини очиқ айтгилари келмади. Ёки айтишни маъқул кўришмади. Яна аввалги йиллардагидек — турғунлик давридагидек сукут сақлаб «маъқул»лаб ўтиришни афзал кўришди. Менимча энг ёмони мана шу. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг. Вилоятда фақат қишлоқ хўжалиги йўналишидагина 269 та комсомол-ёшлар бригадалари бор. Уларнинг аъзолари эса қанчадан-қанча. Конференцияга делегат бўлиб келган ана шу ёшлар вакилларининг, қолаверса улар меҳнат қилаётган коллективларнинг наҳотки ўз қувончу-ташвишлари, режалари бўлмаса.

Яна бир масала: ҳисобот маърузасида вилоят комсомол комитетининг фаолиятига танқидий нуқтаи назардан ошкора ва холисона баҳо берилмади. Аксинча иш тутилганда делегатлар вилоят комсомол комитети бўлимлари ва ходимлари ўтган давр мобайнида нима ишлар билан шуғулланганлиги ҳақида батафсилроқ таништирилганда фойдадан холи бўлмас эди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига вилоят комсомолларидан номзодлар кўрсатилди. Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик ёшлар союзининг олий анжумани — ВЛКСМ XXI съездига делегатлар сайланди.

Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.



СУРАТДА: конференция қатнашчиларидан бир гуруҳи ўзаро суҳбатлашишмоқда.
Сураткаш П. АКБАРОВ.

Янги йилнинг биринчи иш куни



Янги йилнинг дастлабки куниданоқ, Ғиждувондаги халқ истеъмол буюмлари фабрикаси коллективи зарбдор суръат, аъло сифат билан меҳнат қилмоқда. Иш икки сменада ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил қилинган. Меҳнат беллашувида комсомол-ёшлар пешқадамлик қилишаётгани айниқса қувончлидир.

СУРАТДА: моҳир тикувчи Г. Исломова иш устида.
Сураткаш В. КОВРЕИН.

(ЎзТАГ).

МЎЪЖИЗАМИ? ЙЎҚ—ИЖАРА

Ақл бовар қилмайдиган натижа
қўлга киритилди:
Ленин комсомоли номли
совхозда меҳнат
унумдорлиги
ўрта ҳисобда 165 фоиз
кўпайди.
Деҳқончиликда
ўтган йилга нисбатан
уч баравар,
чорвачиликда эса 388 фоиз
ортди.
Натижада хўжалик счётига
кўп йиллардан кейин
биринчи марта 270 минг
сўм
фойда тушади.

Бундай «мўъжизанинг»
манбалари
аниқ ва равшан:
совхознинг барча ишлаб
чиқариш
участкалари йил бошида
ижарага берилган эди.
Деҳқонлар, боғбонлар
ихтиёрига
7 йил муддатга ер
ажратилди.
Айни вақтда ижарачи
ҳосилига
пландан ташқари олган
ҳосилига
ўзи эга бўлади: уни
бозорда сотиш ёки
шартномавий нархда
ўзи ишлаётган совхозга
топшириши мумкин.

Моддий омил
ўз таъсирини кўрсатди:
бошоқли экинлардан
гектар бошига олинадиган
ҳосил
8 центнер, жўхори дони
ҳосили
15 центнер,
лавлаги 160 центнер
кўпайди...
Шундай қилиб
ижарачи чорвадорлар
бир ярим йиллик
озуқа тайёрлаб қўйдилар.
Боз устига
давлатга гўшт сотиш плани
125 фоиз, сут сотиш плани
530 фоиз бажарилди.
Совхоз сут соғувчилари
ҳар бир говмушдан
биринчи марта ўрта ҳисобда
3,8 минг килограммдан
сут соғиб олдилар.
Г. Отажонова ва
З. Мамажоновалар эса
4 минг литрдан ҳам кўп
сут соғиб олдилар.
Ленин комсомоли номли
совхозда йилни шундай
якунлашди.

Андижон вилояти.
(ЎзТАГ мухбири).

Жумҳурият янгиликлари

ТЕРМИЗ шаҳрининг янги микрорайонида бунёд этилган тўрт қаватли уйга одамлар кўчиб киришди. Педагогика институтининг муаллимлари бу уйдаги қирқта квартиранинг ўттизтасига эга бўлишди. Бу ерда қурилган 20 та панелли уйга одамлар кўчиб киришди. Дўконлар, ўрта мактаб, болалар боғчаси, маиший хизмат корхоналари ишлаб турибди, марказий шаҳар касалхонаси қуриб битказилди. 20 мингдан кўпроқ аҳоли яшаши учун мўлжалланган мазкур микрорайонни ривожлантириш планига биноан яна уй-жойлар, битта мактаб, болалар боғчаси, универмаг, бошқа социал-маиший иншоотлар бунёд этилади.

* * *

МАНА буни «холодильник» деса бўлади. Тошкент тўқимачилик комбинатида музлатгич станцияси ўрнатиб бўлинди. Натижада минглаб тўқимачилар ва йигирувчиларнинг меҳнат шароити яхшиланади. Йил бошларида йилига 90 минг гигакалорийга яқин совутиш қувватига эга бўлган учта машина фойдаланишга топширилиши керак. Машиналар ёзнинг жазирама кунларида цехлардаги ҳароратни кескин пасайтиришга ёрдам беради, бу эса одамлар ўзларини яхши ҳис этишларигагина эмас, маҳсулот сифатига ҳам баракали таъсир қилади: ипларнинг узилиши анча камаяди.

* * *

ТОШКЕНТ областининг бир қанча корхоналари аҳолини ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган ташкилотларга компьютерлар беришди. Мазкур ташкилотга Олмалиқ кон-металлургия комбинати шахсий ЭҲМ ажратди, бундай машиналар Чирчиқ, Оҳангарон, Ангрен заводларидан ҳам келтирилди. Энди ишсиз юрган ҳар бир киши ва ҳар бир бўш ўрин тўғрисидаги маълумотлар «электрон ҳисоблаш дафтарчасига» жойлаштирилади. Бу эса республикамизда жорий этилаётган «Аҳолини иш билан таъминлаш» давлат программаси устида анча тез ва самарали ишлашга ёрдам беради.

* * *

«СПАРТАК» стадиони тикланади. Эски шаҳарни жонбозлик билан «таъмирлаётган» кишилар шафқатсиз равишда пайҳон қилиб юборган пойтахтимизнинг энг машҳур стадионларидан бири ўн учинчи беш йилликда қайта тикланади. Республика ҳукумати қабул қилган ҳужжатга стадионни тиклаш тўғрисида банд киритилди. Ҳужжатда Тошкент шаҳрининг тарихий районларини ривожлантириш борасидаги долзарб тадбирлар белгиланган. Стадионни тиклаш билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент метрополитени ва республика касаба союзлари кенгаши сингари обрўли ташкилотлар шуғулланадилар.

* * *

ҚОСОНСОЙ ноҳиясида қирғиз тилида ўқитиладиган мактаб-интернат очилди. Бу ерда Чотқол тоғ этакларидаги яйловларда ишлайдиган чўпонларнинг болалари ўз она тилларида таълим оладилар. Икки қаватли бинода 60 ўқувчига мўлжалланган синфлар, ухлаш хоналари, ошхона, ўйнайдиган ва ювинадиган хоналар бор. Тез орада 240 ўринли янги корпус қурила бошлайди.

300 минг ўқувчи — Ўзбекистонда яшаётган тожик, қирғиз, туркман ва қозоқ болалар учун ҳозир 500 дан зиёд мактаб ва она тилида ўқитиладиган ихтисослаштирилган синфлар очилган, дарсликлар ва программалар нашр қилинаяпти. Ўрта Осиёдаги барча республикаларнинг педагогик олий ўқув юртларида ана шу мактаблар учун муаллимлар тайёрланаяпти.

(ЎзТАГ).

Янги ойнасўз

ИҚТИСОД ВА ҲАЁТ

Қайта қуришимиз беш ёшга тўлмоқда. Ўтган давр мобайнида талай муваффақиятларга эришдик. Аммо ҳали дастурхонимиз гариб, кийимларимиз сарҳил эмас. Савдодаги намёб буюмлар рўйхати кунба-кун кўпайиб бормоқда. Пулимизнинг қадри тушаяпти.

Хўш, бунинг олдини қандай олса бўлади? Нима қилсак, фаровонроқ яшаймиз? СССР халқ депутатларининг иккинчи съездида бу саволларга жавоб изланди. Зарур чоралар кўрилди ва кўрилмоқда. 1991 йилда жумҳуриятимиз иқтисодиёти хўжалик ҳисобига ўтади. Ҳозир олимларимиз, мутахассисларимиз Ўзбекистоннинг хўжалик ҳисоби моделини яратиш бобида изланмоқдалар. Биз ҳам шу бугундан эътиборан бу улуғ ишга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида, янги ойнасўз очдик. Уни «Иқтисод ва ҳаёт» деб атадик.

Янги ойнасўзда жумҳуриятимиз иқтисодиётини яхшилаш борасидаги таклиф, мулоҳаза ва фикрларни бериб борамиз. Шунинг учун биз барча иқтисодчи олимлар, мутахассислар, ҳассос ижодкорлар ва зукко муштарийларни бу борада фаолроқ бўлишга чақирамиз ва огоҳ этамиз: улар тақдим этадиган мақола ва очеркларнинг тили, услуби оддий газетхонлар учун содда бўлмоғи керак. Мақсадимиз, фақат муаммони кўтариш эмас, ёшларнинг иқтисодий билимларининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшиш ҳамдир.

Бугун Сиз янги ойнасўз остида берилаётган туркум мақолалардан биринчисини ўқийсиз.

2-бетга қаранг!

I. Деҳқоннинг косаси оқарадими?

ҲАР ГАЛ ҚИШЛОҚҚА борганимда бир хонадонга кириб, албатта кўнгил сўрайман. Афсуски, ҳар дафъа уй соҳиблари хижолатда кузатишади. Негаки, дастурхонда нон, қанд, якка-ярим мева-чевадан бошқа ҳеч нарса бўлмайди.

Олти йилки, бир хил муомалани эшитаман:

— Узр, қадрингизга етолмадик. Уйда у-бу йўқ экан.

Орадан турғунлик, жадаллаштириш йиллари ўтяптики, ўзгариш йўқ. Ҳозирги қайта қуриш чоғида ҳам аҳвол ўша-ўша.

Оила бошлиғи — деҳқон. Уззу-кун кетмони елкасида. Топгани эса рўзғорига етмайди.

...АВВАЛО унга ер ва эрк керак. Ерсиз ва эрксиз киши деҳқон эмас — оддий меҳнат қуроли. Деҳқонсиз ер — етим, гиёванд техника — ўлик, ўғитлар — ўлик, мева-чева — чирик, мамлакат — қашшоқ, халқ оч. Бу ҳаёт сабоғи, бу ҳақиқий инқироз. Надоматлар бўлсинким, бундан ҳали ҳам тўғри хулоса чиқара олмадик. Деҳқоқ ҳамон ерсиз ва эрксиз. Гарчи қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ижара, оила пудратлари тобора кенг тарқалаётган бўлса ҳам.

Азалий муаммо. Бу ҳақда кимлар ёзмаган ва куйинмаган?.. «Ер», «Она ер», «Деҳқон», «Бободеҳқон» деган атамаларни олинг. Лекин, ҳаётда ушбу сўзларнинг моҳиятини англаб етдикми?

Деҳқон ўзи ким? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ёзилишича «деҳқон — асосий касби экин экишдан иборат бўлган киши». Шуми, деҳқонга берилган таъриф. Экинни ҳамма экиши мумкин-ку, чорикор, мардикор ҳам, қулу, «мужик» ҳам, қўйингки, трактор ва техникалар ҳам ва ҳоказо. Лекин уларни деҳқон деб аташ мумкинми? Йўқ. Якка деҳқонга берилган янги бир таърифни ўқинг: «Якка деҳқон — колхозга кирмай ўз ҳолича деҳқончилик қилган деҳқон». Деҳқонга берилган бундай таъриф, тағин изоҳга муҳтож бўлмаса керак.

Яна бир кўрмантик. Деҳқон жамоа хўжалигида ишласа — колхозчи деҳқон деб аталади, эртаси колхоз совхозга айлантирилса, у ишчига айланиб қолади. Наҳотки, атамани алмаштириш билан, касбнинг моҳияти ҳам ўзгариб кетса, деҳқон ишчига айланиб қолса?

«Деҳқон» асли форсча сўз бўлиб, ер эгаси, соҳиби деган маънони билдиради. Деҳқон, бизнинг фикримизча, нафақат ер эгаси, шу билан бирга етиштирган маҳсулотининг хўжайини ва тасарруф қила оладиган ҳуқуққа эга бўлган эркин киши. Яъни ерли ва эркин кишигина — деҳқон. Акс ҳолда у кунбайчи, мардикор, «мужик» ва ҳоказо эрксиз бир зот. Деҳқон эмас.

Заҳматкаш кишиларнинг «Ерга эрк» учун асрий кураши 1917 йил ғалаба билан тугади. Инқилобнинг биринчи кунидаёқ «Ер — деҳқонларга», «Ҳамма ер ...умумхалқ мулки», «Ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқи абадий бекор қилинди», «Помешчик ер эгалиги бекор қилинди», «Деҳқон ер эгалиги ҳуқуқига асос солинди», — деган гаплар бутун жаҳонни ларзага солди. Инсоният тарихида биринчи бўлиб, шўролар ҳокимияти Ер тўғрисида декрет қабул қилди.

Ўша кунлар, ҳеч ким 1929 йилдан бошлаб «ер эгаси» деган тушунча ҳаётдан кўз юмишини, Ер ўз эгаси — деҳқондан узоқ йиллар жудо бўлишини, унга «агропром», «облпром» ва бошқа «пром»лар ва аллақандай давлат деган абстракт соҳиблар эгалик қилишини, аграр сиёсатда даҳшатли хатолар ва мамлакатда очарчиликлар бўлишини тасаввур қилолмасди. Чунки, ерни деҳқонга шиорда эмас, амалда бўлиб бериш бошланган эди. Биргина 1921—1922 йиллар орасида Туркистонга Столипин аграр сиёсати даврида кўчиб келган ва энг яхши ерларни эгаллаб олган россиялик ва маҳаллий бойлардан «250 минг десятина ер тортиб олиниб, улар фойдаланиш учун 12,8 минг батрак ҳамда камбағалга берилди».

Помешчиклар, бойлар тазйиқидан, зулмидан озод бўлган деҳқон мисли кўрилмаган муваффақиятга эришди. Мамлакат инқилобнинг дастлабки йилларида ҳукм сурган очарчиликдан қутилибгина қолмай, чет элга сотишга киришди. 1927 йилда жон бошига ишлаб чиқарилган гўшт 70 килограммга етди. Мана, ўшандан бери 60 йилдан кўп вақт ўтди. Лекин, ўша даражага ҳали етолганимиз йўқ. Ва ҳар учинчи килограмм гўштни чет эл ҳисобидан истеъмол қиламиз. Ўша вақтда фақатгина Фарғона водийсида дунё бўйича ишлаб чиқарилган пахтанинг ундан бири етиштирилган. Ҳозирчи? Мейиз ва бошқа қуруқ меваларни ҳар йили салкам 300 миллион сўм валюта сарф қилиб, чет элдан сотиб оламиз.

Батракнинг ушбу ғалабаси Сталинни қаноатлантирмади. У социализмни янада тезроқ, узоқни билан ўн-ўн беш йилда қуришни орзу қиларди. Батракнинг чорикори билан эса социализм «сакраб» бўлмасди. Ёппасига, мажбуран, коллективлаштириш бошланди. Деҳқон ер эгалиги тугатилди. Тез орада жами ерларнинг 90-95 фоизи «социалистик» давлат мулкига айлантирилди. Ер деҳқондан жудо бўлди. «Колхоз ва совхозларнинг ҳар қандай хўжалик мустақиллиги истисно қилинди, уларнинг меҳнаткашлари кунбайчиларга айлантирилди. Демократик муассасалар йиғиштириб қўйилди... колхозлар, совхозларга, деҳқонларга бюрократик аппаратнинг кенг тармоқли системаси бошлиқ бўлиб қолди.

Натижада қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказилди. Чорва туёғи, маҳсулотлар етиштириш кескин қисқарди, шаҳарлар таъминоти ёмонлашди, қишлоқларда истеъмол даражаси пасайди... очарчилик ҳам бўлди.. Миллионларча деҳқонлар оилалари билан ерлардан, туғилиб ўсган жойларидан жудо бўлиб, лагерларда ва сургун жойларда дарбадар юрдилар ва ҳалок бўлдилар».

Ўшандан буён, ҳанузгача озиқ-овқат кун тартибидаги энг ўткир ижтимоий ва сиёсий муаммо бўлиб келаётир. Бу муаммо устидан ғалаба қилиш учун жуда кўп уриндик, меҳнат, куч сарф қилдик. Фақатгина, қишлоқ хўжалигига тааллуқли 60 га яқин олий даражадаги қарор ва программалар қабул қилдик. Дастурхон эса қуруқ. Биргина 1978 йилда ўртача ҳар 40 кунда биттадан қарор қабул қилдик. Дастурхон эса бўш қолаверди. Чунки, муаммони ечиш мумкин бўлган воситани нотўғри танладик. Уни техника, ўғит, пул ва ҳоказолар ёрдамида ҳал қилмоқчи бўлдик. Аграр сиёсатнинг бош масаласи ва озиқ-овқат муаммосини ҳал қилаоладиган энг асосий воситаси деҳқон, ер ва унга бўлган мулкчилик муносабати эса иккинчи, учинчи ва охирги даражали муаммолар деб қарадик. Шунинг учун ҳам пештахталар бўм-бўш бўлиб қолаверди.

Ер ва деҳқон ҳамда унга эрк бериш масаласи 1917 йилдаги Ер ҳақидаги декретда ва кейин эса 1989 йилда КПСС МК март пленумида аграр сиёсатнинг маркази эканлиги тан олинди. Буни тан олишга ҳаёт ундаяпти. В. И. Ленин тили билан айтганда «кимки буни тушунмас экан, кимки деҳқоннинг биринчи ўринга қўйилаётгани пролетар диктатурасидан «воз кечиш» деб ё бўлмаса воз кечишга ўхшаган бир нарса деб, тушунишга мойил экан, демак бу киши ишнинг тагини чуқур ўйлаб кўрмаган, сафсатабозлик асири бўлиб қолган».

БИРИНЧИ САБОҚ. Эгасиз ер — хароб. Мамлакатимиз бўйича охирги 25 йил орасида 22 миллион гектар ўзлаштирилган ер ишдан чиқди. Бу АҚШнинг жами суғориладиган майдонидан 4 миллион гектар кўп демакдир. Ёки бу ҳар беш йилда Ўзбекистонга тенг жумҳуриятнинг «олтин» майдони хароб бўлди дегани. Булардан ташқари, 10 миллион гектар пичанзор, экинзор вайрон қилинди. 6 миллион гектар ер ташландиқ бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг ярмидан кўп ери шўрланган. Ундан ҳам кўпроғи — «гиёванд». Ҳар йили жумҳуриятимизда ўртача 5 минг гектар ер қишлоқ хўжалиги ишларига яроқсиз бўлиб қолмоқда. Булар суғориладиган ерлар, уларни ўзлаштириш учун қанчадан-қанча пул, меҳнат сарфлаганмиз.

Шаҳрисабзда тоғли ҳудудлар кўп. Ҳисор этакларида жойлашган Оммоғон қишлоғида Чот деган дара бор. Тоғ ва адирлар билан ўралган. Ўша ерда 20 гектарга яқин жойни Қарши бобо, Муродали бобо, Маматқул бобо, Шомурод бобо, Худойқул боболар ва бобом — Рўзи Турсуновлар қанча куч ва меҳнат сарф қилиб боғ яратган эди. Болалигим ўша ерда ўтган. Ҳали ҳам кўз ўнгимдан кетгани йўқ. Эртак ҳақиқат бўлса, Чот боғи эрамдек эди. Булбуллар, какликлар, сайроқи қушлар макон қилган, ўриксор, олчазор, олмазор боғ эди. Қовунлар таратган ёқимли ҳид бир неча чақирим олисдан анқиб турарди. 60-йиллар охирида бу жойлар ҳам эгаларидан тортиб олиниб ўта «социалистик» совхоз мулкига айлантирилди. Ҳозир Чот хароба, подахона. Дов-дарахтлар қуриб, кўримсиз жойга айланиб қолган.

ИККИНЧИ САБОҚ. Эгасиз ерни тартибга келтириш ва ундан фойдаланиш учун қанчалик пул сарфламайлик мўлжалланган натижа бермайди.

Мамлакатимиз 1961—1988 йиллар орасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 884 миллиард сўм маблағ сарфлади. Ўзбекистон халқ хўжалиги тасарруфидаги халқ пулининг ҳар иккинчи сўми аграр сектор ихтиёрида. Ёки ҳар биримиз (чақалоқдан қариялargача бу ҳисобга киради) қишлоқ хўжалиги учун ҳар куни ўн сўмдан пул ажратиб келаётирмиз. Натижа эса... Ўзингизга маълум. Ҳозир деҳқончилик шундай ҳолатга келганки, энди уни ривожлантириш учун қилинадиган пул харажатлари фойда эмас, зарар келтиради. Масалан, агар шу йил пул харажатларимиз шартли равишда уч йилдан кейин фойда келтиради деб, фараз қилсак, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағнинг самарадорлигини ҳисобласак, ҳар бир сўм 1985 йилда — 13,6 тийин, 1987 йилда — 12,6 тийин зарар олиб келган. Шундай бўлишига қарамай, ҳар йили миллиардлаб пул сарф қилиб келяпмиз. Пештахталар эса бўм-бўш. Бозордаги нарх осмонда. Агар, Орол бўйи ҳавзасида ҳаётни жонлантириш, қайта тиклаш учун камида 30-35 миллиард сўм сарф қилиш кераклигини ҳисобга олсак, шу пайтгача қишлоқ хўжалигига фақат зарар келтирувчи йўллардан юрганмиз. Оролнинг қуриши натижасида келиб чиққан болаларнинг, оналарнинг касаллигини, ўлимини ҳам ҳисобга олсак, биз қишлоқ хўжалигини қайси йўлга олиб бориб қўйганлигимиз аён бўлиб қолади.

УЧИНЧИ САБОҚ. Деҳқонсиз ерда техника—металлом, кимёвий ўғит—кони зарар. Масалан, агросаноат ихтиёрида 428 миллиард сўмлик, жумладан, Ўзбекистонда 13 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш фондлари бор. Ёки СССРда қишлоқ хўжалик техникаси АҚШникидан 6,5 баравар кўп, ҳар бир механизаторга иккитадан ҳар хил техника бериб қўйганимизга ҳам анча бўлди. Минерал ўғитларни ҳам АҚШга нисбатан салкам икки баравар кўп ишлаб чиқарамиз ва яна чет элдан сотиб оламиз. Натижа қандай? Аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш АҚШга нисбатан Ўзбекистонда олти, СССРда икки баравар камдир. Ўзбекистонда ҳар гектар ердан 77 центнер картошка олинса, АҚШда—337 центнер, Голландияда—450 центнер олишади. Ҳар гектар ердан СССРда 17,8 центнер ғалла олинса, Англияда—69,4 центнер ғалла олинади. Деҳқончиликнинг бошқа кўрсаткичлари ҳам бизнинг фойдамизда эмас. Демак, қишлоқ хўжалигининг бугунги аянчли аҳволга тушиб қолиши моддий-техника ресурсларининг етишмаётганида эмас. Ундан нотўғри фойдаланишда.


ТЎРТИНЧИ САБОҚ. Ҳаммамиз ишлаймиз. Деҳқон ҳам. Уларнинг улуши меҳнат ресурсларининг 38 фоизини ташкил қилади. Яъни салкам иккинчи киши тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалиги билан машғул. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткич. Ҳеч қайси мамлакатда биздагидек кўп деҳқон йўқ. Масалан АҚШ ва Англияда бу кўрсаткич атиги уч, ГФРда эса беш фоизни ташкил қилса-да, улар ўз халқинигина эмас, хориж фуқароларини ҳам боқадилар. Бадавлат яшайдилар. Бизда, тупроғидан «олтин»ни унган юртда, етти ёшдан етмиш ёшгача ёшу қари биргалашиб эртадан кечгача тинмасакда, на деҳқон, на биз тўямиз.

БЕШИНЧИ САБОҚ. Деҳқонсиз мева-чева — чирик, у на халққа на давлатга насиб этади. Халқ оч. Давлат эса камбағаллашиб бораверади.

Масалан, АҚШга нисбатан бир ярим баравар кўп ғалла ва 4,5 баравар ортиқча картошка етиштирамиз. Шунга қарамай, ҳар йили 40 миллион тонна ғалла ва кўп миқдорда картошка сотиб оламиз. Булар текинга келмайди. Ер остидаги бойликлар: нефть, газ, олтин ва бошқа бойликлар ҳисобига келади. Аҳвол шу ҳолда қолаверса, яқин келажакда бу бойликларни ҳам «еб» тугатамиз. Ва узоқ эмас, яқин икки-уч йилдан кейин мамлакатимизда дунёга келаётган чақалоқ 1000 доллар қарз билан туғилади. Чунки, авлодлар насибасини ҳам еб тугатаётган. Шундай бўлишига қарамай, етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотларининг 20-40 фоизи нобуд бўлаётир.

Шу йил ёзда хизмат юзасидан Андижон шаҳрига бордим. Шаҳарнинг сал четроғида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб, қайта ишлайдиган завод бор экан. Заводнинг дарвозасидан то катта кўчагача бир километрлар чамаси юк аравалар помидорни топшириш учун навбат кутиб турибди. Баъзилари уч кундан бери навбат кутишаётганининг гувоҳи бўлдим. Бундай ҳолларни жумҳуриятимизда учратиш мумкин. Помидорлар чирий кетаяпти. Сифатини йўқотаяпти, ҳеч кимнинг иши йўқ. Бозорда эса ҳар килоси 80 тийин, бир сўм бўлиб ётибди. Помидор давлатники — уни бозорда сотмайдилар, давлатга топширадилар. Давлатда эса маҳсулотларни қайта ишлайдиган корхоналар етишмайди. Натижа маълум. На давлатга бор, на халққа. Жумҳуриятимиз бўйича фақатгина қишлоқ хўжалигида 1988 йилда бўлган нобудгарчиликнинг миқдори салкам 630 миллион сўмни ташкил қилди. Бу пуллар тежалса Ўзбекистондаги кўп болали оналарга бериладиган давлат нафақасининг ўртача ойига ҳозиргидек 11 сўм эмас, 100 сўмга етказиш имконини берган бўлур эди.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.



Фарҳод РУЗИЕВ — умидли мутахассис. У 1957 йилда Шаҳрисабз ноҳиясидаги Оммоғон қишлоғида туғилган. 1974 йили Беруний номидаги Тошкент Политехника институтининг қурилиш факультетига талабаликка қабул қилинди.

Иқтисодчи, муҳандис 1987 йили фан номзоди бўлди.

Ёш олимнинг иқтисодга оид бир қанча мақолалари «Ёш ленинчи»да ҳам чоп этилган. У ҳозир жумҳурият ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш илмий-текшириш институтида катта илмий ходим.

ДЕҲҚОН ВА ЗАМОН

Хориждан хабарлар



Вьетнам Социалистик Жумҳуриятининг йирик шаҳарларидан бири Хошимин мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шаҳарда 200 дан зиёд корхоналар, ширкатлар, ҳунармандчилик бирлашмалари мавжуд. Улар халқ хўжалиги учун турли-туман машиналар, жиҳозлар, қурилиш материаллари, истеъмол буюмлари етказиб берадилар.

СУРАТДА: Хао ўзи туғилиб ўсган шаҳарда йўл бошловчи бўлиб ишлайди.

М. БЛОХИН сурати (ТАСС).

ПАНАМАДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Никарагуанинг Панамадаги элчиси даргоҳига бостириб кириб, у ерда тинтув ўтказган Америка ҳарбий хизматчилари «бундай қилмасликлари лозим эди». Президент Ж. Буш ўзи дам олаётган Техас штатидаги Хьюстон шаҳрида шанба куни журналистлар билан қисқа учрашув чоғида шундай фикрни айтди. «Биз Никарагуа элчихонасига кирмаслигимиз лозим эди, — деб таъкидлади президент. Ҳозирги пайтда шу аҳвол юз берганидан таассуф билдирилди».

Президент Буш Рим папасининг Панамадаги доимий ваколатхонасига яширинган генерал Норьега тақдири хусусида Ватикан билан музокара олиб бориш тўғрисидаги масалага тўхталиб, АҚШ Ватикан билан «яхши, мустаҳкам алоқа»да эканлигини, лекин шу билан бир вақтда «бироз кескинлик мавжудлигини» айтди. Зарур бўлган тақдирда телефон орқали Рим папаси билан алоқа боғлаб, бу масалани муҳокама қилишга тайёрман, деб илова қилди президент, лекин «бундай қилишга зарурат туғилмайди» деган фикрни айтди.

Шу куни АҚШ давлат департаменти баёнот билан чиқди, бу баёнот Никарагуанинг Панамадаги элчиси даргоҳига Америка қўшинларининг бостириб киришини оқлашга уринишдир. «Америка ҳарбий хизматчилари ишончга сазовор маълумотларга асосланиб, бир қисмини Никарагуа дипломатия ваколатхонасининг аъзолари эгаллаб турган уйда тинтув ўтказдилар, — деди давлат департаментининг вакили Мэри Спиар ТАСС мухбири Игорь Борисенкога. — Американликлар бўлинмаси тинтув вақтида даргоҳни ҳимоя қилиш учун керагидан ортиқча қурол борлигини аниқладилар».

Бу уй Никарагуа дипломатининг даргоҳи эканлиги аниқлангач, дейилади баёнотда, «қуроллар қайтариб берилди» ва сандиночилар ҳукуматининг тинтув вақтида никарагуаликларга нисбатан қўпол муомала қилингани тўғрисидаги гаплари «аниқ гап эмас», деб таъкидланди. Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси Панамадан кўрсатган репортаж кадрлари АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси вакили гапларини тасдиқлай олмайди: оператор остин-устун қилинган хонани, ичидаги қоғозлар сочиб ташланган жавонни, ерга сочиб ташланган буюмларни суратга олган.

Баёнотда шу воқеа муносабати билан АҚШ таассуф билдиргани шунчаки тилга олиб ўтилади ва айни вақтда Никарагуа ҳукумати ана шу ўзбошимчаликка жавобан Американинг Манагуадаги элчихонаси ходимларининг анчагина қисмини чиқариб юбориш ҳақидаги қарори хусусида кескин норозилик билдирилади. «Бу ҳаддан ташқари масъулиятсиз ҳаракатдир», — деди давлат департаментининг вакиласи.

Оқ уйнинг матбуот секретари Марлин Фицуотер журналистларнинг Америка дипломатларининг Манагуадан чиқариб юборилишига жавобан АҚШ бирор чора кўрадими, деган саволига «қандай ҳаракат қилиш ҳали аниқланган йўқ» деб жавоб берди.

Ранг-баранг олам

ДАВЛАТ ИДОРАСИДА АСАЛАРИЛАР КЎЧИ

КЕНИЯдаги Моями округ бошқармасининг тўралари кутилмаганда бир ҳафталик меҳнат отпускасига чиқишга мажбур бўлишди. Сабаби: кучли иссиқдан жон сақламоқчи бўлган асаларилар тўдаси идорага бостириб киришганди. Чақирилмаган меҳмонларни муассасадан ҳайдаб чиқариш учун бир неча кун давомида қизғин кураш олиб борилди. «Жанг»да ўт ўчиргичлар, тутун ҳосил қилувчи шашкалар ва сув пуркагичлардан фойдаланилди. Бироқ натижа бўлмади. Шунда қишлоқ хўжалиги нозирлигидан мутахассислар ёрдамга чақирилди. Мутахассисларнинг тўрт соатлик мардона «жанг»идан сўнггина асаларилларни ҳайдаб чиқаришга эришилди. Шунда ҳам заҳарли химикатлардан фойдаланиш эвазига, деб таъкидланади Булғориянинг «Лов и риболов» журналида.

ҒОЛИБСИЗ ДУЭЛЬ

● ФЕРИНИХИНГ (ЖАР) шаҳридаги ошхонада 10—12 ёшли скаутлар (XX аср бошларида дастлаб Англияда, сўнг бошқа баъзи буржуа давлатларида тузилган ҳарбий-сиёсий характердаги болалар ташкилотининг аъзолари) икки туяқушга минишган ҳолда яккама-якка дуэлга чиқдилар. Улар қадимги аскарларда бўладиган яроғ-аслаҳалар билан қуролланган, туяқушлар эса махсус эгарланган бўлиб, дубулға ва қалқонлар билан ҳимояланганди. Қизиғи шундаки, бу курашда ғолиблар бўлмади. Чунки скаутлар у ёқда қолиб, қаҳр-ғазабга минган тажовузкор туяқушлар, дакан хўрозлардек бир-бири билан уришиб кетди, деб хабар беради «Стар» газетаси.

СПОРТЧИЛАР УЧУН СОАТ

● ЯПОНИЯнинг машҳур «Касио» фирмасида спортнинг югуриш ва юриш турлари билан шуғулланувчилар учун ясалган соат неча қадам босилганини, масофани, ўртача тезликни ва албатта, вақтни белгилаб олишда ёрдам беради.

Электрон хронометр яна сарфланган қувват миқдорини ҳам ҳисоблаб чиқа олади. Бунинг учун барвақтроқ ана шу асбоб «хотираси»га спортчининг вазни, ёши ва қадамининг узунлиги ҳақидаги маълумотларни жамлаш керак. Соатдан чиққан товуш ва ёруғлик нури спортчи машқ вақтида ўз олдига қўйган вазифани бажарганлиги ҳақида хабар беради.

Спорт ва оммавий мудофаа ишлари бўлими почтасидан

Ташаккур

Бундан бир йил муқаддам арман халқи бошига тушган кулфат дунёдаги барча софдил инсонларни ташвишга солиб қўйган эди. Шу жумладан ана шу фожиали воқеалар рўй берган кунларда бизнинг ҳарбий қисмимиз сипоҳий ва аскарлари ҳам биринчилардан бўлиб ёрдам бериш учун етиб келган эдилар.

Зилзиладан энг кўп зарар кўрган шаҳарлардан бири — Кировакандда янги мактаб қуриб бериш вазифаси бизнинг зиммамизга юклатилган эди. Яқиндагина уни фойдаланишга топширдик.

Қисмимизда Ватанимизнинг турли бурчакларидан армия сафига чақирилган 34 миллат ва элат фарзандлари аҳил ва иноқ бўлиб ўз йигитлик бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. Улар орасида ўзбекистонлик йигитлар ҳам талайгина. Мен ўз мактубимни ёшлар газетаси орқали эълон қилинишини жуда-жуда истардим. Чунки бу ерда ўз ҳамюртларининг қандай хизмат қилаётганликларини уларнинг издошлари, армия сафига тайёрланаётган укалари билсин.

Бугунгидек эсимда, зилзила содир бўлган куннинг эртасидаёқ, Арманистонга махсус самолётларда иссиқ кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, ҳар хил зарур эҳтиёж нарсалар Ўзбекистондан келган эди. Чунки ўзбек халқи ҳам 1966 йилги Тошкент зилзиласини ҳали унутгани йўқ.

Мен ўз миннатдорчилик мактубимда ана шу оғир кунларда ўзларининг ҳақиқий байналмилаллик бурчларини сидқидилдан адо этган, бошқа қурдош дўстларига барча соҳаларда намуна бўлган юртдошларингиз номларини қувонч билан санаб ўтмоқчиман. Улар Пастдарғом ноҳиясидан Равшан Жалилов, Файзулла Мейлиев, хоразмлик Шуҳрат Жембергенов, Рўзмат Бекчонов, ургутлик Камол Ғофуров, сурхондарёлик Ғулом Санаев, Холмамат Тоғаев, Абдумажид Раҳмоновлардир.

Мен ўз қисмимиз коллективи номидан шундай фидойи ўғлонларни тарбиялаб вояга етказган ўзбекистонлик барча ота-оналарга минг бора ташаккурлар айтаман!

Г. АРАКЕЛЯН,
катта лейтенант, Арманистондаги ҳарбий қисм рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.

Шуҳрат полвон

Шуҳратбек болалик чоғларида ҳам бўйдорлиги, жуссалилиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Кексалар уни кўришганда: «Туф-туф, кўз тегмасин, бобоси Қўшоқбой полвонга тортибди», — дейишарди.

Тўй-томошаларда, байрамлар, маҳалла ва кўча сайилларида «Қани чинободлик Шуҳрат полвонга талабгор борми?» деган хитоблар тез-тез эшитилар, у бирини йиқитиб, бирдан йиқилиб, чиниқиб борарди.

У 8-синфни тамомлагач, Шаҳрихон шаҳридаги қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди. Ана шу ерда биринчи бор расмий мусобақа — вилоят биринчилигида иштирок этди. Тажрибасизлик қилдими ё танилган полвонларнинг ҳовури босдими, биринчи курашдаёқ йиқилди.

— Сира эсимдан чиқмайди, — дейди у, — юзларим лоладек қизариб кетди. Билдимки, кучнинг ўзи камлик қилар экан. Шундан кейин миллий кураш устаси, ноҳиямиз кўнгилли «Пахтакор» спорт жамиятининг раиси Олимжон Мирзакаримовнинг этагини маҳкам ушладим.

1986 йили Андижон ноҳиясида ёшлар ўртасида вилоят биринчилиги ўтказилди. Ўша мусобақаларда муваффақиятли қатнашган Шуҳратбек Усмонов 82 килограммгача бўлган вазндаги полвонлар ўртасида вилоят чемпиони бўлди.

Кейинги йили март ойида ёшлар ўртасидаги жумҳурият биринчилиги мусобақалари Балиқчида ўтказилди. Мусобақанинг барча босқичларида ғалаба қозонган ёш курашчи яна ғолиблик нашидасини сурди.

Ўтган йили эса Косонсойда катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида Шуҳратбек иккинчи ўринни эгаллади. Сўнгра Сирдарё вилоятида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида чемпион бўлди.

Дарҳақиқат, у 1989 йил август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган жумҳуриятимизнинг очиқ биринчилигида чемпион бўлиб, спорт мастери талабини ҳам бажарди.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
Андижон вилояти, Балиқчи ноҳияси.

Меҳнатда ҳам жангдагидек

Тун. Жангчилар қоронғуликдан фойдаланиб, душманларга билдирмасдан энг хавфли тоғ йўлидан ўтиб олишди. Эндиги йўл бундан ҳам хавфли. Ўтадиган жой шунчалик торки, зўрға юк машинаси сиғади. Салгина эҳтиётсизлик эса фожиага олиб келиши муқаррар. Совет солдатларининг тўрт ротаси мана шу тор йўлдан эҳтиёткорлик билан ўтиши керак. Олдинда мина тозаловчи машиналар хавфни бартараф этиб бормоқда.

Ниҳоят иккинчи хавфдан ҳам омон-эсон ўтган жангчилар энди белгиланган жойга етиб келишига озгина қолди. Дарёдан ўтилса бас. Шу пайт душман автоматлардан ўққа тутишди. Жангчилар қарши ҳужумга ўтиб, зарба беришди. Операция муваффақиятли ўтди. Топшириқни аъло даражада бажарганлар орасида ўзбекистонлик жангчи Рустам Бердиев ҳам бор эди.

Рустам асли китоблик. У ҳозир Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаш билан биргаликда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультети сиртқи бўлимида таълим олади. Байналмилалчи-жангчи хизматдагидай ишда ва ўқишда тенгдошларига намуна. Яқинда унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми уни Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

Зулхумор **БОЙҚОБИЛОВА.**
Тошкент.

Онамни излайман

Менинг ёшим 31 да. Ленинобод вилоятининг Зафаробод ноҳиясида яшайман. Менинг онам — Улмасхон Абдуллаева 1938 йилда туғилган. Отамнинг айтишича, у киши асли фарғоналик бўлган эканлар. 1957 йилда улар отам билан турмуш қуриб, тўрт йилга яқин бирга яшаганлар. 1958 йилда мен, 1960 йилда укам Ёқубжон туғилганмиз. Бизга қоронғу, у пайтларда ёш бўлганмиз, ҳеч нарсанинг фарқига етолмасдик. Отам билан онам 1961 йилда жанжаллашиб қолишган. Шундан сўнг онам уйдан чиқиб кетган. Орадан тўрт йил ўтгандан сўнг онам мени олиб кетиш учун қайтиб келган. Лекин отам мени беришга розилик бермаган. Шу кетганларича қайтиб келмадилар.

Ҳозир онамнинг қаерда яшашини билмаймиз. Ақлимизни таний бошлагач, отамдан онамизни сўраб, суриштиришларини ёлвориб сўрадик. У киши ҳам «билмайман» деб жавоб бердилар. Биз она меҳрига тўймай ўсгандик. Энди эса унинг тенгсиз қадрини англаб етаяпмиз.

Сизлардан илтимос, менинг онам Улмасхон Абдуллаевани топишда ёрдам беринглар.

Умид билан:
Гулнора ЭРГАШЕВА,
Тожикистон ССР,
Ленинобод вилояти,
Зафаробод ноҳияси,
Рабочая кўчаси, 11-уй, 1-квартира.

Нуқтаи назар

ЭЪТИҚОД

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эътиқод сўзига қуйидагича таъриф берилган:

1. Қаттиқ ишонч, маҳкам ушланган маслак, дунёқараш.

2. Бирор кимсага ёки нарсага бўлган ишонч, эътиқод, унга боғланган умид.

3. Худога ёки умуман, бирор ғайри-табиий кучга ишониш: имон, дин.

Биз шу пайтгача «эътиқод» сўзига учинчи кўринишда маъно бериб келдик. Фалончи эътиқодли экан, деса, уни ўта диндор киши деб тасаввур қилдик. Иложи борича бундай кимсалардан узоқроқ юришга, имкон топилса, пана-панадан тош отишга ҳаракат қилдик. Унинг дунёқараши билан, Ватанга, эл-юртга бўлган эътиқоди билан эса ҳеч ким ҳисоблашмади. Ҳатто шу даражага бориб етдикки, эътиқодни сўндириш мақсадида ўз тарихий ёдгорликларимиздан, маданий меросларимиздан воз кеча бошладик. Хайриятки, фақат миллатимиз номини эътиқодга боғламадик. Бўлмаса...

Кечагидек эсимда, ноҳиямиз раҳбарлари ўз онасининг дафн маросимига боролмай «эътиқоди»дан воз кечганлари. Ёки бўлмаса, юзлаб йиллар давомида урф-одатимиз саналган тўй-маъракаларимиз ҳам ана шу учинчи кўринишдаги эътиқоднинг самараси дея уни туғилган кунга ёки юбилейга айлантирганимиз. Улар барчасининг сабаби бир илдизга бориб тақалади. Бу ҳам бўлса, кўр-кўрона фикр юритиш, масалага фақат бир томонлама баҳо бериш, халққа у ёки бу масаланинг фақат салбий томонини кўрсатиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини, унинг эркинлигини чеклаш.

Хайриятки, бугунги ошкоралик туфайли мудроғимиз ёзилмоқда, ўзликни англаш тушунчасини мушоҳада қила бошладик. Эътиқод фақат ибодатда, демак эътиқодли кишилар — диндордир деган туман тушунча бугун янада ойдинлашяпти. Айниқса, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг тўртинчи қурултойидан кейин ўтган вақт мобайнида жумҳуриятимизнинг дин вакиллари ҳам қайта қуриш ишларида фаол иштирок этаётганлигини намоён қила бошлашди. Демак, эътиқодни фақат ибодат билан баҳолаш нажоиз экан.

Дарвоқе, бугунги мусоҳабамизнинг асл мазмуни ҳам ана шундақ. Дастлаб муштарийларни мусоҳабамиз иштирокчилари билан таништириб ўтамиз: Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ, «Имом Бухорий» номидаги Тошкент Олий Ислом маҳадининг мударриси, шайх Зиёвуддинхон номидаги масжиднинг имом хатиби Зокиржон ИСМОИЛОВ ва шу маҳаднинг ректори Зоҳиджон ҚОДИРОВ, Самарқанд вилоятидаги Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий номидаги масжиднинг имом хатиби Усмонхон ИБН ТЕМУРХОН, «Совет Шарқи мусулмонлари» журналининг масъул ходимлари Муҳаммадшариф ЖУМАНОВ ва Абдулҳамид ТУРСУНОВ.

МУХБИР: — Муҳтарам муфтий ҳазратлари, ҳурматли биродарлар, аввaламбор сизларни ҳижрий 1410 сана бошланганлиги билан, қолаверса яқинда муфтий ҳазратларининг Ливия Жамоҳириясида бўлиб, шу давлатнинг олий мукофоти «Буюк — 1 сентябрь» орденига сазовор бўлганлиги билан кўпсонли муштарийлар номидан табриклашга ижозат бергайсизлар.

МУФТИЙ: — Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Роҳим. Алҳамду лиллоҳи Раббил оламин. Вал оқибати лил-муттақийн. Вассалоту вассалому аъло ашрафил мурсалин. Ваъло олийҳи ва асҳобиҳи ажмаийн. Аммо баад: табрик учун ташаккур. Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизни ҳижрий 1410 йил билан қизғин муборакбод этамиз. Уларнинг эл-юрт равнақи йўлида олиб бораётган барча ишлари хайрли бўлишини оллоҳдан тилаб қоламиз. Мукофот хусусида тўхталадиган бўлсак, бу фақат бир кишининг шахси учун берилган бўлмай, балки бутун мамлакатимиз мусулмонларига берилган мукофот, билдирилган ҳурмату эҳтиромдир.

МУХБИР: — Муҳтарам муфтий ҳазратлари, мусоҳабамизни Сиз бошлаб бердингиз, шу боис дастлабки саволлар билан Сизга мурожаат этсак. Ёдингизда бўлса, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг тўртинчи қурултойидан сўнг ҳамда СССР халқ депутатлигига сайловлар арафасида Ўзбекистон радиосига берган суҳбатингизда ўз сайловолди программангизни, иш режаларингизни баён этиб, «Ўлка мусулмонларини тўғри йўлга бошлашда, қолаверса кенг жамоатчилик орасида қилинадиган дунёвий ишларда ҳали жуда-жуда кўп саъий ҳаракатлар лозим» деган эдингиз. Ўтган вақт мобайнида нималарга улгурдингиз!

МУФТИЙ: — Албатта ёдимда, берилган ваъдани унутишнинг оқибати хайрли бўлмас. Маълумингизким, режа тузган инсон доимо уни тугаллаш пайида бўлади. Бизнинг ислом ақидамизга биноан ҳар қандай ҳаракат маҳсули Оллоҳнинг иродаси билландир. Инсон мен уни қилдим ёки бундай иш қиламан, деб мақтаниши аввaламбор одобдан эмас. Шу сабабли ҳам, радиога берган суҳбатларимда қилинадиган ишлар хусусида батафсил тўхталмаган бўлсам-да, кўнглимдан кўп нарсалар кечганди. Албатта, бу Оллоҳга ҳам аён, чунки ул зот қора тунда, қора тош устида юргувчи қора жонзотни ҳам кўргувчидир. Шунга кўра, такрор бўлса-да, ҳар бир иш яратганнинг иродаси билан бўлгай. Бугун режа тузилса, эртага амалга ошиб қолавермайди. Бугунгача Оллоҳ насиб этган экан, диёримизнинг турли жойларида 222 та масжид очишга эришдик. Уларнинг сони қурултойгача фақат 84 та эди.

«Совет Шарқи мусулмонлари» (рус алифбосида) журналини ўзбек тилида ҳам чиқариш йўлга қўйилди. Янги кўринишдаги диний тақвим чоп этдик. Яқин кунларда «Ибодати Исломийя», «Муаллими соний», «Ислом дини», «Тажвид», «Наҳв дарслари» каби китоблар босмадан чиқади. Шунингдек, янги ислом газетасининг биринчи сонини босмага тайёрлаяпмиз. Фанлар академияси ва шарқшунос ходимлар билан ҳамкорликда Қуръони Каримни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари давом этмоқда. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, бизнинг буюртмаларимизни баъзан нашр қилиш режадан четда қолмоқда. Шундай бўлса-да, халққа, Ватанга эътиқодли биродарларимиз бизга бу ишларда катта ёрдам беришяпти. Босмахона ишчилари ўзларининг расмий иш вақтларидан кейин қолиб бўлса-да, иҳтиёрий равишда маълум нашрларимизни тезлатишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Уларга Оллоҳнинг марҳамати бўлсин.

Булар ўз соҳамиздаги режаларимизнинг бир қисми. Мен ўлка мусулмонларини тўғри йўлга бошлаш деганда шуни назарда тутгандимки, ҳозир халқимиз орасида бидъат ва хурофот кенг ёйилган. Кенг жамоатчилик орасидаги дунёвий ишларга келсак, ўзингизга маълум, ҳозир миллатлараро муносабатлар ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Бу борада жадал ишлар кетаётганда бизнинг қўл қовуштириб туришимиз ҳам зоҳиран, ҳам ботинан яхши эмас. Чунки исломда миллат ажратиш деган гап йўқ. Оллоҳнинг ҳузурида барча баробардир. Фақат дунёда қилган амали билан ажралиб туради, холос. Шу боис чиқарилаётган фатволарда, қолаверса жойлардаги йиғинларда кишиларга бу хусусда алоҳида тушунтириб бораяпмиз. Ёшларимизни инсофга чақириш, жамият учун манфаатли бўлган йўлларга бошлаш лозим.

Ахир, ёшлар дунёга донғи кетган Фарҳод каналини қазиган, Улуғ Ватан урушида қаҳрамонликлар кўрсатган, янада узоқроқ борадиган бўлсак, бугунги кунда сақлаб қолиш муаммоси ҳаммамизни ўйлантираётган Бухоро, Хива, Самарқанд каби шаҳарлардаги Осори атиқаларимизни бизга мерос қолдирган ота-боболаридан ер билан осмонча фарқ қилишади. Қани ўша меъморлар авлоди? Қўли гул наққошлар фарзанди? Мана шулар ҳақида ўйлаб, баъзан кўзинга ёш оласан киши. Ҳаттоки, ҳозирги кунда, бутун бир жамиятни янгилаш жараёни кетаётган тарихий даврда эскича фикрловчи кишилар бундай орзу-умидларни миллатчиликка тақашмоқда. Бошқа бир тоифадаги кишилар бўлса, мадраса ўқув режасида 30-40 йилдан буён амалга ошмай келаётган, муаллифлари бундан қарийб минг йиллар олдин яшаб ўтган юртдошларимиз китобларини не-не азобу уқубатлар билан хорижий эллардан топиб келтирсак-да (бугунги авлодни воқиф қилиш мақсадида) «Муфтий давлатга қарши китобларни ташиб юрибди» деб айюҳаннос солишгача бориб етмоқда.

Тошкент ислом маҳадида ўқиб юрган талабалик йилларимдаёқ Эски шаҳар аҳолисининг ўз турмуш шароитидан нолишларини сезган эдим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, атрофингизда замонавий уйлар қад кўтарса, қайсидир маҳаллаларда кишилар барча имкониятлар яратилган даражада яшашса, Эски шаҳар аҳолиси эса ҳамон эрта-индин уйимиз бузилади, деган ҳаяжонда, қачон газда чой қайнатиб ичамиз экан деган хаёлий орзуда яшашса. Мана шу хусусда ҳам сайловолди учрашувларида халқ кескин фикрлар билдирган эди. Оллоҳга шукурлар бўлсинким, яқинда халқ депутати сифатида тошкентлик баъзи депутатлар билан ҳамкорликда Эски шаҳарни ўз ҳолича бузмасдан сақлаб қолиш, баъзи ислоҳларни амалга ошириб, бу ердаги истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шароитини давр талабига жавоб берадиган даражага келтириш мақсадида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков номига депутатлик сўрови ёзган эдик. Бу сўровга ҳам ижобий жавоб олинди.

Бундан ташқари, ўзбекистонлик 77 нафар депутат пахта яккаҳокимлигини йўқотиш, пахтанинг харид нархини ошириш, жумҳуриятимиз табиий муҳитини яхшилаш ва бошқа масалаларда ҳукумат раҳбарлари номига талабномалар ёзгандик. Иншоолло, бунга ҳам қисман жавоб олинди. Бу талаблар асосида баъзи бир қамоқдаги кишиларни озод қилиш ва жазо муддатини қисман қисқартиришга эришдик. Лекин сайловчиларимизнинг шахсий сўровларини бажариш жуда қийин кечмоқда. Кўпчилик кишилар уйларига газ тушириш ёки уй-жой олиш масаласида мурожаат қилмоқда. Бу талабларни тегишли ташкилотлар пайсалга солгани-солган. Маълум масалани ўзи ҳал қилиши лозим бўлган ҳолда «депутатга борсанг битириб беради» деб одамларни оворайи-сарсон қилишади. Мазкур масалаларни эътиборга олиб, Тошкент шаҳар халқ депутатлари уюшмасини тузиш ҳақида иш олиб бораяпмиз.

Афғонистонда асрга тушган йигитларимиз тақдири бизни безовта қилиб келмоқда. Худди шу масалада ўзбекистонлик йигирма нафар йигитнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари бизга мурожаат этишди. Биз ўз навбатида Покистон Ислом Жумҳуриятининг СССРдаги элчиси жаноб Абдусатторга мурожаат қилдик. Шунингдек, афғон мужоҳидлари орасида ўз нуфузига эга бўлган Бутун олам Ислом Робитасининг Бош котиби Абдулло Умар Насиф жанобларига йигитларимиз исм-шарифлари ёзилган рўйхатни бердик. Яқинда Ливия Жамоҳириясига қилган сафаримизда ҳам Бош котиб Муҳаммад Аҳмад Шариф ва бошқа масъул кишилар билан жиддий келишиб олдик. Улар асирларни аниқлашда, кейинчалик эса озод қилишда ёрдам беришни ваъда қилишди. Фурсатдан фойдаланиб, асирдаги йигитларимизни (яъни бедарак кетган) ота-оналари ва қариндош-уруғларидан ўша йигитлар номига хат ёзиб, диний бошқармамизга юборишларини сўрайман. Чунки шундай хатларни етказиш йўллари ҳам қидирилмоқда.

Хуллас, депутат сифатида ҳам, муфтий сифатида ҳам ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш керак экан.

МУХБИР: — Кейинги 30-40 йил мобайнида Ўрта Осиё халқлари орасида исломга бўлган муносабат жиддий ўзгарди (албатта салбий тарафга). Унга хурофот ва бидъат тимсолида қаралди. Ислом дастлаб вужудга келганда, қолаверса ўлкага кириб келган йилларда ҳам шундай хурофот ва бидъатга бурканганмиди!

МУФТИЙ: — Тўғри айтасиз. Исломга нафақат хурофот ва бидъат, балки миллатчилик, хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилиги, илм-маърифат, қўйингки, барча эзгуликлар душмани тимсолида қараб келинди. Қуръоннинг бир оятини тафсир қилолмайдиган кишилар қанчалар туҳмат қилмади дейсиз.

Халқимизнинг онгига ислом фақат хурофот тимсолида ўрнашиб қолганлигининг бош сабаби, халқимиз ўртасидаги саводсизликдир. (Албатта, бу сўзни ножоиз ишлатган бўлсам узр сўрайман). Чунки, араб алифбосини 98 фоиз халқимиз ўқиёлмайди. Иккинчидан, диний жамоа вакиллари бўлмиш бизнинг ҳам хатоларимиз бор. Чунки жойлардаги илмли кишилар ўз эътиқодини арзимаган дунёвий ишларга сотиш даражасигача бориб етдилар. Жаноза ва никоҳларда ошкора таъмагирлик йўлига ўтиб олинди. Бу ҳам биз тарафга манфийлик тамғасини босди. Исломнинг чеклаб қўйилиши оқибатида бугун ўзини эътиқодли ҳисоблаб, беш маҳал намоз ва бир ой рўзасини канда қилмовчи кишилар ҳам ислом ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Ахир эътиқод фақат кечаю кундуз ибодат қилиб ўтишда эмас. Агар кўнгил пок бўлмаса қилинаётган ибодатдан нима фойда? Ҳозир газета, радио ва телевидение орқали қилган баъзи чиқишларимиз айрим кишиларга ёқмаяпти. Чунки кечагина ислом миллатчиликнинг асосий айбдори деб талқин қилинган эди. Бугун эса у миллатчиликка қарши демоқдамиз. Ислом хотин-қизлар ҳуқуқини поймол этди дегандик. Бугун ислом аёлларимиз бахт-саодати учун курашган, уларни эъзозлаб келган, деяпмиз.

Ислом дини Оллоҳ тарафидан юборилган дастлабки пайтларда ҳам, қолаверса диёримизга кириб келган йилларда ҳам соф ва покиза эди. Замон ўтиши, мўмин-мусулмонларнинг дангасалик ва бепарволик дардига мубтало бўлиши оқибатида Қуръони Карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг суннатларидан узоқлашиш оқибатида халқимиз мана шундай бидъат ва хурофотларга ботиб қолди. Ҳозирда исломнинг айби деб қаралаётган нарсаларнинг барчаси мазкур бидъат ва хурофотлардир. Минг афсуслар бўлсинким, бу бидъат ва хурофотлар халқимиз онгига жуда-жуда чуқур сингиб кетган. Баъзилар Қуръоннинг айтганини тарк этса этадики, бидъатни маҳкам ушлайди. Шу ҳолатни мулоҳаза қилган бир суҳбатдошим менга: «Сиз бидъат ва хурофотга қарши иш олиб бораман дейсиз-у, менимча, одамлар диний бошқармадан ҳам, Сиздан ҳам юз ўгиришлари мумкин. Лекин бу одатларини ташламасалар керак», дегани ҳеч-ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Лекин қачонгача шундай давом этиши мумкин? Исломни бидъат ва хурофотдан биз тозаламасак, ким тозалайди, — дея суҳбатга қўшилди шайх Зиёвуддинхон масжидининг имом хатиби **Зокиржон ИСМОИЛОВ.**

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, оиланинг боқувчиси вафот этса-ю, шу куни мусибатзодаларни мажбур қилиб, мол сўйдириб, хайри-худойи деб овоза қилишса. Етти, йигирма, қирқ деган маросимларга ундаб, марҳумга фойдаси тегади, деб ўзларича фатво беришса. Ўзи ва болаларининг ризқини қийиб, қарзга ботиб қилинаётган тўйларга нима дейсиз? Минг-минг сўм пул сарфлаб берилаётган ичкиликларга-чи? Буни ҳам ислом буюрганми? Афсуски, йўқ.

Шундай бўлса-да, эски бидъатлар ёнига янгилари қўшилмоқда. Бу ҳақда ўйлаб кўриш, чуқур мулоҳаза юритиш лозим. Мана, бир эътибор беринг: **«Ман амила амалан лайса алайҳи амруно фаҳува раддун» (Муслим ривояти). Буни шундай тушунмоқ керак: «Қайси бир савоб умид қилиб қилинадурган ишга бизнинг ижозатимиз ёки буйруғимиз бўлмас экан, у мақбул эмас. Савоб ололмайсизлар».** Шунга кўра, Қуръон ва Ҳадис ҳамда бошқа диний масдарларда йўқ бўлган ортиқча сарф-ҳаражатлар, ўзини кўрсатиш учун қилинган ҳашамдор тўйларга биз мутлақо қаршимиз.

Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оят ёки ҳадислар жуда кўп. Уларни асл мағзини халққа етказадиган илмли кишилар афсуски саноқли. Ана шу сабабли ҳам айрим маълумотсиз ёки тўлиқ диний маълумотга эга бўлмаган кишиларнинг ўйламай тутган йўли, гапирган сўзи туфайли маҳаллий урф-одатларга диний тус берилаяпти. Яна бир мисол: мусулмонлар хатна қилдиришни суннат деб талқин қилишади. Бу тўғри, албатта. Лекин унинг асл сабаби, моҳияти, ўтказиш тартиби халқимиз онгидан ҳали анча йироқда. Суннат бу мол-дунё сарфлаш, халққа уч-тўрт кунлаб ош бериш, базму жамшид қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйиш билан баҳоланмайди. Балки, хатна қилдиришнинг ўзи суннатдир. Аммо унга атаб тўй қилиб, ош-сув бериш, зиёфат қилиш бу суннат эмас.

МУХБИР: — Ҳозир айрим кишилар хатна қилдиришда медицинадан ҳам фойдаланишяпти, кўпчилик жойларда эса бу диний ақидаларга тўғри келмайди, деган норозиликлар ҳам келиб чиқмоқда.

З. ИСМОИЛОВ: — Ким хатна қилиши бизни қизиқтирмайди. Албатта, илм-фан ривожланган ҳозирги даврда болага озор етказмаслик, тиббиёт қоидаларига риоя қилиш мақсадида мутахассис жарроҳлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу сабабли, юқоридаги асоссиз шов-шувлар беҳуда.

МУХБИР: — Ислом динида сўфизм, яъни сўфийлик таълимоти юзага келган йилларда кўпчилик юртдошларимиз ана шу оқимга қўшилиб кетишди. Масалан, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва бошқалар. Уларнинг бисотидан диний руҳда бўлганлиги учун биз ҳалигача тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга эмасмиз. Аслида уларнинг асарлари қисман йўқолиб кетган. Ахир, улар таълимоти фақат динни тарғиб қилиш эмас, балки маърифатга, инсоф ва адолатга ундашдан иборат эди-ку. Масалан, мана бу сатрларга эътибор беринг:

«Бешак билинг бу дунё барча элдин ўтаро,
Инонмагин молингга, бир кун қўлдан кетаро
Дунё учун ғам ема,
Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро».
(Аҳмад Яссавий).

М. ЖУМАНОВ: — Бу оқим ер юзида ўзига хос из қолдирди. Сўфийлик таълимотининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Баҳовуддин Нақшбандийнинг шундай сўзи бор: «Дил баёру, даста ба кор», яъни «Дилинг ёрда, Оллоҳда бўлсин-у, қўлинг ишда бўлсин» деган. Биргина ана шу иборанинг ўзи тасаввуф аҳлининг нима эканлигини ёрқин намоён қилади. Аҳмад Яссавий ҳам, Сўфи Оллоёр ҳам ўз даврида ана шу шиор остида ҳаёт кечирганлар. Аммо, амирлар, қолаверса, бидъатчи дин «пешволаридан» жабр кўрган. Чунки ҳақиқат осонликча тан олинмайди. Улар эса бор ҳақиқатни тан олдиришга, кишиларни доимо инсофли бўлишга, ҳар хил иллатлардан кишилик жамиятини поклашга интилган ва шунга асосланган ўз таълимотларини тарғиб қилишган. Ана шундай кишилар фаолиятига бирёқлама баҳо бериш бу жуда катта хато.

Яқинда мен Алишер Навоийнинг «Қуш тили» асарини ва Ради Фишнинг Жамол Камол таржима қилган «Жалолиддин Румий» асарини ўқиб чиқдим. Ахир улар ўз замонасида диндор кишилар бўлишган. Лекин улардаги фикр ўткирлиги, эътиқод бутлиги бу камдан-кам инсонларда учрайдиган ноёб хислат. Шу билан бирга уларнинг таълимоти инсонни комил бўлишликка чақириш эди. Менинг сўнгги фикрим, бундай асарларни халққа етказиш керак. Баҳони эса яна шу халқ беради.

МУХБИР: — Жуда тўғри айтдингиз, Имом Бухорий, Имом ан-Насоий, имом Термизий номларини эшитганда нафақат Ливия Жамоҳирияси балки бутун ислом оламида бизни қуллуқ қилиб қарши олишади. Лекин афсуски, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва у кишининг замондошлари бўлмиш бошқа кўплаб улкан илм соҳиблари ҳақида фақат ачиниш билан эслаймиз. Юқорида айтганимиздек, уларнинг иши ва маърифатпарварлиги тўғрисида жуда тор доирадагилар хабардор холос.

УСМОНХОН: — Имом Бухорий ҳижрий 194 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топадилар. Ёшлигида онаси ва акалари Аҳмад билан бирга Маккага ҳажга боришади. Шу ерда таҳсилни давом эттириб, ҳадис илми билан мукаммал шуғулланади. Умрининг сўнгги йилларида она юртига қайтади. У киши ўз илмини масжид ва мадрасаларда, айниқса Бухоро шаҳридаги масжиди Калонда тўпланган одамларга айтганда, шунчалик кўп халқ йиғиларканки, охирги сафда турган кишиларга ул зотнинг айтган сўзларини одамлар оғизма-оғиз етказишга мажбур бўлишаркан.

Ҳар бир замонда яхши ва ёмонлар бўлади. Адолат ва ҳақиқат доимо рақобат қилади. У кишини кўролмаган баъзи уламолар Бухоро амирига арз қилиб, иложи бўлса уни саройга чақириб олишни маслаҳат беришади. Шунда амир чопар юбориб, «Келиб менинг фарзандларимга дарс беринг, сарой мударриси бўлинг», дейди. Бунга жавобан имом Бухорий икки сатр хат битади. Унда шундай сўзлар бўлган: «Илм бормайди, балки илм истовчининг ўзи келади». Бундан дарғазаб бўлган амир у кишини ўз она юртидан бадарға қилишга фармойиш беради. Имом Бухорий яна йўл оладилар. Ҳижрий 256-йилнинг рамазон ҳайити куни кечаси 62 ёшида вафот этадилар.

1974 йили Самарқанд шаҳрида у кишининг туғилганига 1200 йил тўлиши муносабати билан катта анжуман ўтказилган. Унда 33 мусулмон давлатидан делегациялар келган бўлса-да, лекин ўзимизда яна тор доиралардаги кишилар бундан хабардор бўлиб қолаверган. Ҳозир у кишининг қабрлари Самарқанд вилоятининг Пайариқ ноҳиясидаги «Пайариқ» совхозида ул зоти шарифнинг номлари билан аталувчи масжиди Жомийдадир. Яхши зиёратгоҳга айланган.

Асарлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, у киши ёзиб қолдирган ҳадислар тўплами «Саҳиҳи Бухорий» Қуръондан сўнг иккинчи ўринда туради. У кишидан сўнг юртимиздан имоми Термизий, имоми Насоий, имоми Доримий, имоми Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий каби илм соҳиблари етишиб чиқдилар. 1990 йилнинг кузида имом Бухорийнинг шогирдлари Абу Исо Ат-Термизийнинг 1200 йиллик юбилейини нишонлаш режаларимиз бор. Юбилейга келувчилар аввал бизнинг масжидимизга ташриф буюришади. Чунки юқорида айтганимдек, Имом Бухорий Термизийнинг устозлари бўлган ул зот яна юзлаб шогирдлар етиштирган. Қайсики, халқимиз ўзлари каби шогирдларини ҳам билишмайди. Шул боис, уларнинг айримлари билан таништириб ўтсам. Макҳул ибн Ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Ан-бар, Ҳаммод ибн Шокир, Обид ибни Маҳмуд Ан-Насафий (қаршилик), Ал-Ҳайсам ибни Кулайб Аш-Шоший (тошкентлик), Аҳмад ибни Юсуф Ан-Насафий (қаршилик), Абул Аббос Муҳаммад ибни Маҳбуб ва бошқалар имом Бухорий қўлида ҳадис илмидан сабоқ олишган. Шул боис, ул зоти-шарифнинг ҳурматлари ислом оламида бағоят катта.

Имом Термизийнинг 1200 йиллигини нишонлашга келган меҳмонларни қабул қилиш учун масжидимизда меҳмонхона қуриб битказилди. Ва бошқа баъзи бир саъйи ҳаракатлар ҳам бошлаб қўйдик. Диний бошқарма томонидан ҳозир ул зотнинг «Жомий Ат-Термизий» деб номланган беш жилддан иборат асарлари нашрга тайёрланмоқда. Шунингдек, «Шамоили Набовия» китоби, «Мишкотул Масобиҳ» ҳадис китобларини ҳам нашр қилиш режалаштирилганлигини айтиш мумкин.

МУХБИР: — Ислом динида оталик ва оналик ҳуқуқи жуда қадрланади. Фарзанд тарбияси эса ҳар бир ота-она зиммасидаги энг биринчи қарзлардан ҳисобланади. Агар бугунги матбуотни кузатиб бораётган бўлсангиз, ажралишаётган оилалар, боши берк кўчага кириб қолаётган ёшлар, қиз-жувонлар ҳақида жуда долзарб мақолалар берилаяпти.

УСМОНХОН: Ҳозир, кўпгина оилаларда фарзанд тарбияси, ота-онани ҳурмат қилиш иккинчи даражали нарса бўлиб қолмоқда. Бу мутлақо нотўғри тушунча. Ота-онани ҳурмат қилиш, фарзандни оқил қилиб вояга етказиш Қуръони Каримда ҳам, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллоҳу Алайҳи Васалламнинг ҳадисларида ҳам жуда кенг шарҳлаб берилган.

Эътиборингизни бир оятга қаратмоқчиман. **«Ё айюҳаллазина оману қу анфусакум ва аҳлийкум норан...» (Таҳрим сураси, 6-оят). Яъни: «Э мўминлар, ўзларингни ҳам, аҳлу фарзандларингни ҳам оташи дўзахдан сақлаб қолингизлар»** дегани. Шунга кўра, нафақат фарзанд, балки қариндош-уруғлар хулқу-атвори учун ҳам ҳар бир ота-она масъул бўлмоғи керак. Мен шу ўринда пайғамбаримизнинг бир ҳадисларини ҳам келтириб ўтмоқчиман. У киши шундай башорат қилганлар. «Кулли мавлудин, юъладу алал фитрати». Яъни, ҳар бир фарзанд туғилаётган вақтида қалби пок, ҳеч қандай зарарланмаган, заҳарланмаган, нима яхшилик етказилса қабул қила оладиган даражада туғилади, дейдилар. Шунга кўра, фарзандни келажакда оқил ёки жоҳил қилиб вояга етказишда энг биринчи сабабчи ота-онадир. Албатта, жамоатчилик ҳам маълум даражада таъсир қилиши, яъни ўз ўрни бўлиши лозим. Ҳозир яна бир муаммо кенг жамоатчилик қатори бизни ҳам ўйлантириб турибди. Бу тирик етимларнинг кўпайиши. Кўплаб қиз-жувонлар бузуқ йўлларга юриб, ёш гўдакларини туғруқхоналарга, ҳаттоки кўча-кўйлардаги ахлатхоналарга ташлаб кетаётганлигини эшитиб турибмиз.

Албатта, бундай иллатлар ўтган даврларда ҳам бўлган. Масалан, араб қабилаларида қашшоқлик туфайли болаларни тириклайин кўмишган. Туғилган ёки ҳомила гўдакларни бесабаб нобуд қилишган. Шунга кўра, Оллоҳ ўз Қуръони Каримида шундай хабар қилади: **Оллоҳ бегуноҳ фарзандларни ноҳақ қатл қилганларни қиёмат куни қаттиқ сўроқ қилинишини ва камбағалликдан қўрқиб фарзандларнинг ҳалок қилмасликка буюриб, «Барчага ризқу-рўзини ўзим етказиб бераман»,** деб ваъда қилади. Албатта, жамиятнинг яхшиланиши бир ёки икки нафар кишига эмас, балки барча оталарга ва оналарга, миллионлаб фарзандларга боғлиқ.

МУХБИР: — Ҳозир бангилик ва ичкиликбозликка қарши оммавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Янглишмасам, бу иллат исломда ҳам қаттиқ қораланади!

ИСМОИЛОВ: — Ислом дини инсонларни ҳам бу дунё, ҳам охиратда саодатли бўлишларини мақсад қилган ҳолда инсоннинг ақлини, соғлиғини, молу-дунёсини ва ўз шарафини ҳимоя қилишга даъват этади. Шунинг учун ҳам мазкур маънавий ва моддий бойликларга зарар етказадиган ҳар қандай нарсани ҳаром қилади ёки қоралайди. Бу ҳақда асосларимиз бор. **Масалан, Моида сурасининг 99-оятида шундай дейди: «Ё айюҳаллазина оману иннамал хамру вал майсиру вал ансобу вал азлому рижсун минг амалиш-шайтони фажтанибуҳу лааллакум туфлиҳун». Яъни, «Эй мўминлар, албатта ароқ ва барча маст қилувчи ичимликлар, қимор, маъбудалар ва фолчилик турларининг барчаси ифлосликдир ва шайтон ишларидандир. Бас, улардан сақланингизлар. Шояд, шунда нажот топасизлар ва саодатга эришасизлар».**

Ёки ҳадислардан бирида шундай дейилади: «Куллу мускирин ҳамрун. Ва куллу мускирин ҳаромун» «Ҳар қандай маст қилувчи нарса ҳамр (ароқ) ҳукмидадур ва ҳар қандай маст қилувчи нарса ҳаромдир». Кўриниб турибдики, ислом нафақат ичкиликбозлик ёки бангиликда, балки кишилар томонидан ўйлаб топилган қиморбозлик, фолбинлик каби иллатларга ҳам қаршидир.

МУХБИР: — «Совет Шарқи мусулмонлари» журнали суратлар билан нашр қилинар экан. Айрим ҳолларда қариялар суратга тушиш ва сурат бор уйда ибодат қилиш исломда ман қилинган дейишади.

ТЎРСУНОВ: — Албатта, саволингиз ўринли. Маълумки, ҳозир суратсиз бир иш қилиб бўлмайди. Айниқса матбуот соҳасида. Юқоридаги фикрларни шарҳлаб, уламолар; турмуш заруратидан суратга тушишлик бўлса мумкин, деб талқин қиладилар. Лекин сурат бор жойда ибодат қилишлик исломда ман қилинган.

МУХБИР: — Яна бир савол: ислом сўзининг луғавий маъноси тинчлик дегани. Шунга кўра, журнал ҳам тинчликни тарғиб қилиш борасида озмикўпми иш қилаётган бўлса керак!

ТУРСУНОВ: — Бу саволингизга дастлаб бир оят билан жавоб қайтармоқчиман. **«Ё айюҳаллазина оману уд хулу фис-силми коффа». (Бақара сураси, 204-оят). Таржимаси шундай: «Э мўминлар, барчангиз тинчликка ва тинчлик ишига доҳил бўлингизлар»** дегани. Шунга кўра, журналимиз ўзининг 1968 йилги дастлабки саҳифаларидан бошлабоқ Совет Шарқидаги мусулмонлар ҳаётини ёритиш билан бирга дунёда тинчликни тарғиб қилишга ҳам жуда катта ҳисса қўшиб келаяпти. Масалан, диний бошқарма ҳам, журнал ҳайъати ҳам ўз фаолияти давомида «Тинчлик фонди», «Дўстлик жамияти», «Маданият фонди», Осиё ва Африка халқлари бирдамлик жамияти, ва турли оқимдаги диний ташкилотлар билан яқин алоқада бўлиб, тинчлик иши учун барча сайи-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда юздан зиёд хорижий мамлакатлардаги ислом ташкилотлари билан узвий мулоқотдамиз.

МУХБИР: — Диний бошқарма ва журнал ҳайъати қандай кадрлар билан таъминланади!

ҚОДИРОВ: Диний идора ҳамда журналда ишловчи кишиларнинг асосий қисми бизнинг маҳадимизни битириб чиқишади. Бундан ташқари биз кўпроқ масжидлар учун малакали хатиблар тайёрлаймиз. Ҳозир мамлакатимизда тўртта диний бошқармаси бор. Улар Уфадаги Иттифоқимизнинг Европа ва Сибирия қисми мусулмонлари диний бошқармаси, Шимолий Кавказ мусулмонларининг Махач-Қалъадаги диний бошқармаси, Бокуда фаолият кўрсатаётган Кавказорти мусулмонлари диний бошқармаси, ҳамда Тошкентдаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасидир. Ана шу тўрттала диний бошқармалар учун фақат иккита ўқув юрти хизмат қилади. Бу Бухородаги «Мир Араб» мадрасаси ва Тошкентдаги «Имом Бухорий» номидаги Олий ислом институти.

Талабалар ҳам тегишли диний назоратларининг йўлланмаси билангина қабул қилинади. Бундан ташқари, Вьетнам, Бўлғория, Афғонистон каби хорижий эллардан ҳам талабалар қабул қиламиз. Улар бу ерда диний илмлар билан бирга дунёвий фанлардан ҳам имтиҳон топширадилар ва таҳсил кўрадилар. Биз 18 дан 35 ёшгача бўлган ёшларни билим савиясига қараб ё Бухородаги ёки Тошкентдаги маҳадимизга қабул қиламиз. Улар араб тилида эркин сўзлашиш даражасида билим оладилар. Шунингдек, хоҳлаган талабалар форс ва инглиз тилини ўрганадилар.

МУХБИР: — Муҳтарам муфтий ҳазратлари, суҳбатимиз сўнггида сизга икки савол билан мурожаат этмоқчиман. Дил билан тил бирлигига қандай қарайсиз! Халифа Усмон ибни Аффон Қуръонининг яратилиш тарихи ва бугунги тақдирини билмоқчи эдик.

МУФТИЙ: — Дил ва тил бирлигига зарурий нарса деб қарамоқ керак. Чунки тилида Олло десаю, дили пок бўлмаса, бундан ҳеч-ҳеч фойда йўқ. Бундай кишилар исломда мунофиқ бандалар дейилади. Пайғамбаримиз Маккаи Мукаррамада яшаган пайтлари кишилар икки тоифада бўлганлар. Мусулмонлар ва ғайри-мусулмонлар. Кейинроқ ул зот Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан сўнг учинчи тоифа кишилар пайдо бўлди. Улар тили бирy — дили бошқалар тоифаси эди. Яъни, тилларида улар ўзларини мусулмон деб аташар, дилларида эса исломга нисбатан душманлик бор эди. Бу тоифани Оллоҳ Қуръони Каримда мунофиқлар деб атади. Шунга кўра, дил ва тил бирлиги катта аҳамият касб этади.

Қуръони Каримнинг тарихига келсак, бу халифа Усмон ибни Аффон Разиёллоҳу Анҳу билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли ҳам, халифа Усмон Қуръони дейилади. Маълумки, халифа Усмон ибни Аффон Разиёллоҳу Анҳу VII милодий асрда яшаб ўтганлар. У киши ўз халифалик даврларида кийик терисига Қуръонни олти нусхада кўчиртириб, Макка, Мадина ва бошқа шаҳарларга юборганлар. Бир нусхасини ўзларида олиб қолганлар. Биздаги Қуръон шу олти Мусҳафнинг бири.

Ҳозир дунёда тарқатилаётган миллионлаб Қуръонлар халифа Усмон Қуръонининг кўчирма нусхаларидир. Бизга ана шу Қуръонни топширилиши жуда катта тарихий воқеа бўлди. Ҳозир диний бошқармамиз бутун мусулмон оламининг диққат марказида турибди. Уни диёримизга етиб келиш тарихи қуйидагича: Ҳикоя қилишларича Амур Темур ёки Тошкентда дафн этилган ҳазрати имом Қаффоли-Шоший томонидан келтирилган экан. Дастлаб Самарқанддаги Хўжа Аҳрор Валий, сўнгра Бибихоним масжидининг мармар лавҳаси устида сақланган.

Кейинчалик Чор Россиясининг Туркистонга келган офицерлари уни катта бир маданий мерос эканлигини фаҳмлаб, маҳаллий бошлиқлардан арзимаган баҳога сотиб олиб, Петербургдаги Давлат кутубхонасига топширишади. Октябрь инқилобидан сўнг бир гуруҳ мусулмонлар В. И. Ленинга мурожаат этишади. Лениннинг бу борадаги махсус Декретига биноан вагон ва қоровуллар ажратилиб, халифа Усмон Қуръони Уфага келтирилади. Бундан хабар топган Ўрта Осиё мусулмонлари у бизга тегишли мерос, деб талаб қила бошлайди. 1924 йилда Уфадан Тошкентга келтирилади. Айтишларича, йўлда поезд қаерда тўхтаса, ўша ердаги маҳаллий аҳоли вагонни қуршаб, анча вақтгача Қуръонни зиёрат қилишган. 1954 йилда Қуръон диний бошқарма ихтиёридан музейга ўтказилади. Яна бизга топширилган санадан эса хабарингиз бор. Ундан кейинги тақдири ҳақида тўхталадиган бўлсак, албатта, ундан иложи борича кўчирмалар олишга ҳамда эҳтиёткорлик билан саҳифаларини таъмир этишни ният қилганмиз.

МУХБИР: — Мана, мусоҳабамиз ҳам поёнига етди. Қимматли фикрларингиз учун ташаккур.

Мусоҳабани Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли олиб борди.

СССР халқ депутатларининг съезди ўн икки кун давом этгач, ниҳоят 24 декабрь куни кечга яқин ўз ишига якун ясади. Унинг охирги етти куни депутатлар учун роса оғир кўчди, менимча. Чунки улар душанбадан якшанбагача мутлақо дам олишсиз ишлашди. Айниқса, шанба кунги йиғилиш анча чўзилди: нақ ярим тунгача давом этди. Эртасига эрталабдан эса — депутатлар яна тўпланишди ва яна бири иккинчисидан муҳимроқ масалалар ичига шўнғиб кетишди.

Тўғри, улар танаффусгаям чиқиб туришар, аммо бу ерда ҳам журналистлар ўраб олиб, сон-саноқсиз саволларга кўмиб ташлашарди.

Охирги кун журналистларнинг «ҳужуми» айниқса, кучайди. Шу боис, аксарият депутатлар улардан ўзларини олиб қочишга уринишар, бошқалари эса уч-тўрт саволга жавоб қайтаришгач, «Балки бошқа саволларингизни кейинги галга қолдирармиз» деб, шоша-пиша пальтоларини кийишарди-да, хайр-хўшниям насия қилишиб, дарҳол ўзларини кўчага уришарди.

Анатолий Карповни ҳам энди пальтосини кийиб, кетишга шайланаётганда учратдим. Рости, интервью беришига у қадар умидим йўқ эди. Лекин у кутилмаганда саволларимга жавоб беришга тайёр эканини айтди.

Диққинафас Съездлар саройидан Кремль ҳовлисига чиқдик: Чап томонда «Троицк» минораси куббасида ол ранг беш юлдуз нур таратиб турибди. Гоҳо узун, қоп-қора давлат машиналари ғизиллаб ўтиб, бу ердаги осудаликни бузиб турарди. Тоза ҳаво, нафас олиб ҳеч тўймайсан киши. Бош яланг Карповнинг сочларини хиёл эсаётган шамол тўзғитади ва у тез-тез ўнг қўли билан сочларини «тараб» қўяди. Юзида ҳорғинлик аломати...

Йигирма икки ёшида жаҳон чемпиони бўлган Карпов билан мен илк суҳбатни 1974 йили — у тож кийишига бир неча ой қолганда, Ленинградда ўтказгандим. Ўшанда у Борис Спасский устидан ғалаба қозониб, Тигран Петросяннинг елкасини ерга теккизган Виктор Корчной билан жангга ҳозирлик кўраётганди.

Унда Карпов студент эди — Ленинград университетида таҳсил кўрар, ва, назаримда, бу ориқ, нозик йигитча ўзига ортиқча бино қўйгандай туюларди. Ким билади, бошига энди шуҳрат ёғилаётганларга хос бир белгидир бу. Ё балки ўзига бўлган чексиз ишончмидир?..

Шуҳрат эса ўткинчи, тож ҳам ўткинчи, уни қўлдан бермаслик учун бир умр курашиш, кураш эса бетиним куч, изланишни талаб этишига Карповнинг таржимаи ҳоли яққол мисол бўла олади. Бундай жангга тоб бериш эмас: у бировларнинг белини синдирса, айримларни қаҳр-ғазабли одамга айлантириб қўяди.

Бу кураш Карповга ҳам ўз таъсирини ўтказгани сезилиб турибди: сочлари сийраклашган, пешонасида уч-тўртта из қолдирган, кўзларидаги илгариги чақноқ нурни хиёл хиралаштирган эди. Аммо гаплашганимиз, бу кураш аввалги ўша йигитчани ширинсухан, камтар, самимий бир инсонга айлантирганидан шодландим...

Анатолий КАРПОВ:

Қайта қуриш туфайли депутат бўлдим



Табиийки, суҳбатимиз, аввало съезд хусусида борди.

— **Анатолий Евгеньевич, айтингчи, депутат бўлиб съездда қатнашиш шахмат тахтаси ёнида ўтириб, жанг қилишга қараганда оғир туюлмадими?**

— Менимча, меҳнатни муҳофаза қилиш қонунлари фақат шахтёр, металлург эмас, балки депутатларга нисбатан ҳам қўлланиши керак. Ўшанда мажлисларнинг бундай узундан узоқ чўзилиб кетаверишига асло йўл қўйилмасди. Биз, мана ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, мажлисда қатнашиш билан бир қаторда, каттадан катта ақлий ишларниям бажардик, ҳаммамизнинг ҳам тинка-мадоримиз қуриди. Энди ўзингиз тасаввур қилинг: бу қадар ҳориб-чарчаган одамлар зиммасида бутун мамлакат тақдири билан боғлиқ бири иккинчисидан мураккаб масалалар...

Агар биз ҳақиқий съезд ўтказадиган бўлсак, уни одамларча ўтказишни ўйлашимиз лозим. Бунинг учун унга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, унинг дастурини ипидан игнасигача муҳокама қилиш, қатъий бир регламент жорий этиш шарт. Ана шунда депутатлар толиқишмайди ва қарорлар аниқ-тиниқ фикр билан муҳокамадан ўтади.

— **Съезд иштирокчилари ичида иттифоқ касаба союзларининг бошлиғи, депутат Шалаев ҳам бор эди. Бу муаммога у қандай муносабат билдирганини аниқланса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Ахир депутатлар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳам унинг вазифаси эмасми?**

— Билмадим. Лекин у барини кузатиб туриб ҳам, ҳеч бир муносабат билдирмади-ку...

— **Демак, шахмат мусобақасида қатнашишдан кўра, съездда ўтириш оғирроқ?**

— Йўқ-йўқ. Иккови ҳам ўзига яраша қийинчиликни талаб этади. Иккoвиям одамни роса чарчатади.

— **Мана, бугундан бошлаб дам оласиз энди?**

— Қани энди шундай бўлса... Бир-икки кундан сўнг Италияга — янги йил турнирига жўнайман. Кейин, март ойида тожга даъвогарларнинг финалида голландиялик Тимман билан кураш бошлайман. Унга эса мукаммал тайёргарлик кўриш керак.

— **Нима деб ўйлайсиз, биз сизни яна Каспаров билан жангда кўра оламизми?**

— Ҳар ҳолда, кўрасизлар деб, умид қиламан.

— **Тожни яна қайтиб олишга ишончингиз комилми?**

— Олдиндан башорат қилиш оғир. Лекин бунинг учун жанговар руҳга киришим шарт. Гарчанд тажрибам етарли бўлса-да, бундай ҳолатга кира олишим осон кечмайди, албатта.

— **Аммо бунинг учун мутлақ эркин бўлишингиз керак эмасми? Сизда эса жамоат ишлари қалашиб ётибди: бир томонда депутатлик, иккинчи ёқда журналга бош муҳаррирлик, Совет Тинчлик фондига раҳбарлик...**

— Сўзсиз, бу ишлар анчагина вақтимни олади, лекин иккинчи томондан — улар менга қандайдир куч ҳам беради.

— **Ёшингиз-чи? Қарийб қирққа бориб қолдингиз. Каспаров эса анча ёш...**

— Ҳозирча, «қарилик» ўзини билдирганича йўқ.

— **Каспаровга бўлган муносабатингиз ҳақида ҳам гапиришингиз мумкинми?**

— Ҳа, у билан инсонларча муомала қилиш жуда қийин. Сабаби — унинг турган-битгани бировларнинг устидан ўз ҳукмини ўтказиш. У менга ҳам тазйиқ ўтказишга уринган. Мен эса умуман бировга бўйсуниб яшашни истамайман. Шунинг учун ҳам орамизда доимо келишмовчилик ҳукм сургани сурган. У мени қайириб ололмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ўзининг бош душмани деб қабул қилган. (Нафақат шахматда).

— **Икковларингиз илгарилари яқин бўлгансизлар, шекилли?**

— Мутлақо. Биз ҳеч қачон яқин бўлмаганмиз. Тўғри, ўшанда муносабатларимиз сал бошқачароқ эди, энди эса... Ҳа, яна денг, у менга туҳмат қиладиган одат ҳам чиқарган. Шу йил баҳорда Испания, сўнг Австрияда ўтказилган матбуот конференциясида, у «Карпов допинг ичади, йўқса шу пайтгача яхши ўйнармиди!», деб айтди. Эмишки, бунга шахсан ўзи гувоҳ бўлган — мен бир куни «жанг»га кўзларим «олакула» бўлиб келган эмишман.

— **Ахир спортчиларни мусобақадан олдин текширишади-ку?**

— Гап шундаки, шахматчилар допинг-назоратдан ўтишмайди. Лекин мен шуни таъкидламоқчиманки, допинг қўллаган одам спортда ҳеч қачон узоқ қололмайди.

Бу туҳмати учун аслида мен Каспаровни судга беришим керак эди...

Биласизми, ноҳақлик доимо менинг асабимни бузиб келган. Ҳамма кўринишдаги ноҳақлик. Лекин мен некбинман ва ҳақиқат бир кун эмас бир кун ғолиб чиқишига ишониб яшайман.

— **Ноҳақлик деганингизда хаёлимга Корчной билан тож учун сўнгги бор курашганингиз келди. Олдин сиз 5:2 га ютаётгандингиз, сўнг ҳисоб 5:5 бўлди. Чет элга ўтиб кетган Корчной: «албатта ютаман», деб шу қадар катта кетдики... Ўшанда бутун мамлакатимиз сизга кўз тикканди. Ўшанда ғалабани шунчалар интизорлик билан кутарди ва сиз уни бизга ҳадя этгандингиз. Ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатдингиз. Мен, Брежнев сизга, албатта, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берса керак, деб ўйловдим. Лекин у ўзига, 3-ми, 4-ми Олтин Юлдузни олди-ю, сизга эса орден берди, холос.**

— Ҳа, Меҳнат Қизил Байроқ ордени беришганди. Лекин мухлисларнинг илиқ сўзлари мен учун ҳар қандай мукофотдан ортиқроқ.

— **Биз асл талантларимизнинг қадрига етмаймиз. Буни энди ўрганаётирмиз. Мана, дейлик, сизнинг СССР халқ депутати бўлишингиз. Илгари СССР Олий Советига бирор-бир спортчи депутат этиб сайланганини ҳеч эслай олмайман.**

— Фақат ва фақат қайта қуриш туфайлигина депутат бўлдим, деб ўйлайман.

— **Депутатлар орасида спортчилар кўпми ҳозир?**

— Ҳа, бор. Юрий Власов (собиқ штангачи), Анатолий Фирсов (собиқ хоккейчи), Акентьев (собиқ чанғичи)...

— **Демак, ҳаракатдаги спортчи-депутат бир сиз экансиз-да?**

— Шундай бўлиб чиқаяпти.

— **Съездда иқтисодиётимизни соғломлаштириш дастури қабул қилинди. Лекин унда на маданиятга, на спортга алоҳида ўрин ажратилган. Буни сиз қандай изоҳлашингиз мумкин?**

— Демак ҳали раҳбарларимиз спортдек муҳим соҳани арзимас деб ҳисоблашаркан-да.. Программада тиббиётга жуда кам ўрин берилганиниям айтмоқчиман. Медицина эса роса хароб. Ахир физкультура-ю, спортни қанча ривожлантирсак, тиббиётга эҳтиёж ўшанча камаймайдими?..

— **Шахматнинг ватани — Шарқ. Лекин, қизиғи шундаки, ҳали Шарқдан бирортаям жаҳон чемпиони чиққан эмас...**

— Аммо Ўзбекистонда ажойиб шахматчи бор эди. Аъзамов, У, менимча, жумҳуриятингиз тарихида етишиб чиққан энг кучли шахматчи эди... Лекин ишонаманки, сизлардан ҳали кўплаб ажойиб шахмат усталари етишиб чиқади. Чунки бу ўйинга сизларда қизиқиш жудаям катта.

— **Ва сўнгги савол: Янги йилда ўзбекистонликларга қандай тилакларингиз бор?**

— Истардимки, Янги йилда ҳамма жабҳаларда тотувлик бўлсин, Фарғонада рўй берган воқеалар ҳеч вақт қайтарилмасин. Халқингиз бошига сўнгги йилларда кўп кулфатлар тушди. Сизларга ҳеч қаерда йўқ айбларни топиб қоралашди ҳам. Тўғри, ҳамма халқлар, жумладан, биз, русларда ҳам бузғунчилар топилади, лекин уларнинг қилмишини ҳеч вақт бутун халқнинг бошига ағдариш керак эмас.

Мен Тошкентда икки марта бўлганман ва ҳар сафар бўлажак оғир-оғир курашларим олдидан. Сахий заминингизда илинжим тўлиб, қувониб-яйраб қайтганман ҳар сафар... Янги — 1990 йилда сахий қалб ўзбекларнинг ҳамма ишида омад ёр бўлишига тилакдошман.

— **Раҳмат. Сиз ҳам мақсадларингизга эришинг.**

Анвар ЖЎРАБОЙ,
журналист.

Ёшлар ижоди



Қ. Дўстматова 1962 йилда Ленинобод вилоятининг Хўжанд ноҳиясида туғилган. 1983 йилда Ленинобод Давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатган.

Айни пайтда «Ёш куч» журналида хизмат қилади.

Таскин

Бахтсиз яшамадим — бахтли яшадим.
Тирноғимни эмиб ўсди нопоклар.
Қайчи тополмадим, қайчи туғмадим,
Нега шак келтирди менга шаккоклар?!
Йўталсам, ўпкамдан чиқишин пойлаб
Замҳарир бошимда тиловат қилди.
Кеча томорқада юрган чумолим,
Етолмай бошимни зиёрат қилди.
Фитнагўй қумғонга уриб бошини
Менинг ўтмишимдан нажот сўради.
Илонлар хисрави буюклар томон
Айланиб келмоққа бир от сўради.
Бошимни чайқадим: хунрезлик тамом
Юмшоқ юрагимда жой ҳам қолмади.
Ғалвирдай тешилган — юрак элагим
Эласам бирорта той ҳам қолмабди.
Гарчи хушбўй эди кечаги гуллар
Ташқарида беғам куларди ўлкам.
Ўзининг номига мос бўлмоқ учун
Ҳадсиз қийналарди безабон ўпкам:
Аёлнинг кафтидай мулойим кифт йўқ,
Азоб шунинг учун келар дунёга.
Эркак — шашти баланд, аёл ҳасратин
Кўтариб юрмоқ-чун, келар дунёга.
Сергаклашган даҳрий оёқларидан,
Занглаган занжирнинг бошини кесдим.
Бахтсиз яшаганим — бахтим эдику?!
Ҳартугул, тупроқдан бир қарич ўсдим...

Адолат холанинг шеъри

Етмаганда енгинг бўлай, жигарим
Бўлмаганда бўйин бўлай, жигарим
Юрагимда қирқ йил «чақмоқ» чақдим-ку
Келар бўлсанг йўлинг бўлай, жигарим.
Опаларим ўз йўлига демагин
Титраётган юрагимга тегмагин.
Ўнта бўлса, ўрни бошқадир, иним
Мен борман-у, йўқ ғамингни емагин.
Ҳарбий дединг кейин уруш бошланди,
Хат-хабар йўқ, юрак қурғур ғашланди.
Бу бевафо дунё ишин қарагин
Отам кетди, кўзим тўла ёшланди.
Икки қўли йўқ бир гадо бўлдим мен,
Онам — юрак аввал адо бўлдим мен.
Меҳмон келса, чети куйган нон қуйиб,
Ярим кўнгил, ярим фидо бўлдим мен.
Вой худо-ей, ёқам ушлаб ютиндим,
Ёлғиз сени кўп кўрдими, ўтиндим.
Юртгарчилик, қўшилмасанг бўлмайди
Давраларда тортиниброқ ўтирдим.
Атрофимда эсар мунгли шамоллар,
Сени сўраб қолар қўшни аёллар.
Жиянларинг сўрар тағин «бор» дейман
Ука, нега бу соғинчим ҳаяллар.
Бул ҳаётда ҳали умид ноним бор.
Ахир менда жигаримнинг қони бор.
Иложим йўқ, гаплашаман уйимда
Эй, ҳалойиқ ҳар нафаснинг жони бор.

* * *

Секин туширилди эшик ҳалқаси
Кунгиздай ўрмалар номаълум шарпа.
Кампир ғўлдирайди: — ити қурғур, йўқ
Наҳотки, ўғрилар босдими ёппа?!
Ахир сигир жонвор бўғоз эди-ку
Қурғур молхонани бекитдиммикан?
Гугуртни қўювдим болиш остига
Энди лампачироқ қаерда экан?
Қаттиқ ғирчиллади сўри тахтаси
Мушук, бароқ мушук миёвлар ҳорғин.
Вой-й, боши айланди, бир бутун осмон
Ташлаб юбормасин ўзини тағин.
Ўғлим, бекор тушдинг касалхонага
Келин иккаламиз қийналиб қолдик.
Кеча меҳмон келди. Раис ўғлидан
Икки кило гўштни тиланиб олдик.
Ой — ҳушёр. Пардасин кўтариб қўйди
Муаллақ силкинди ток новдалари.
Кампир пичирлади: — бунча инсофсиз.
Оллоҳу таолонинг пок бандалари.
Минг битта шубҳани етаклаб олиб,
Кампир разм солди ҳовли бурчига.
Ногоҳон биргина эркакни кўрди
Оғзини бекитди рўмол учи-ла.
Бемаҳал... келиннинг уйи олдида.
Таниди. Кечаги раиснинг ўғли
Даҳшат... Даҳшат туртиб ўтди кампирни
Бир марта кўргандим, асли бор-йўғи
Қувди, ток новдасин юлганча қувди
«Илоё, бошингга туҳмат ёғилсин.
Синди, деразалар — бегуноҳ синди
Илоё, хотиннинг хиёнат қилсин».

Каромат ДУСТМАТОВА.

Долзарб мавзу

Оналарга имтиёзлар

— **Эшитишимча, яқиндан бошлаб ҳомиладор аёлларга бепул овқатлар берилар экан. Шу тўғрими?**

Д. ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳри.

Ушбу саволга жавоб беришни Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш нозири ўринбосари Диловар ҚОБУЛОВАдан илтимос қилдик.


— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 23 ноябрда қабул қилган «1990 йилда Ўзбекистон ССР халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги социал аҳволни яхшилаш юзасидан тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан давлат томонидан кам даромадли оилалардаги ҳомиладор аёлларни бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 36,6 миллион сўмдан ортиқ пул сарфлаш мўлжалланган.

Яъни, 1990 йил январидан бошлаб ҳар бир оила аъзоси учун даромади 75 сўмдан ошмаган оилалардаги ҳомиладор аёлларнинг ҳомиласининг 20-ҳафтасидан бошлаб соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан тасдиқланган рўйхат асосида, кунига 2 сўмлик бепул озиқ-овқат маҳсулотлари бериладли. Бунда бериладиган озиқ-овқатлар асосан гўшт, сариёғ, тухум, сут ва сут маҳсулотлари, мева ҳамда сабзавотлардан иборатдир. Камқонликни даволаш учун дори-дармонлар ҳомиладор аёлларга хотин-қизлар консультациялари, қишлоқ врачлик амбулаторияларн орқали, терапевт ёки акушер-гинекологлар хулосаларига асосан бепул берилади. Даволаш курслари ҳомиладорликнинг 16, 24, ва 34- ҳафталигида сурункасига 50 кун давомида ҳар кунга 50 тийин ҳисобидан дармон дорилар билан таъминланади.

Шу кунларда Хоразм вилоятидаги савдо шохобчаларида «Оналар ва болалар овқатлари» деган бўлимлар ташкил этилмоқда. Шовот ноҳиясидаги «СССР 60 йиллиги» совхозининг директори Аҳмаджон Абдуллаев ва колхоз касаба союз ташкилоти ташаббуси билан хўжаликдаги ҳомиладор аёллар учун бир неча йиллардан буён иш жойларида бепул иссиқ овқатлар билан таъминлаш уюштирилган.

Абдумажид ЭРГАШ
ёзиб олди.





Янги йил. У шаҳдам одимлар билан кириб келди. Жумҳурият ҳаётида 1990 йил қандай ўрин эгаллар экан? Буни вақт кўрсатади. Айни пайтда эса кичкинтойлар қувончи чексиз.

СУРАТЛАРДА: таътил кунлари бошланди.

Суратчи: Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

ТВ

4 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.30 Болалар учун фильм. «Олтин калит». 12.45 «Ғаройиб саргузашт». Мультфильм. 12.55 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм (Ялта киностудияси).

* * *

17.00 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма. 17.40 «Ташаббуснинг кимга кераги бор». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мен қизил ўрмоннинг расмини чизаяпман». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Демократия йўлидан». Андижон вилоятида сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Қайғунинг бегонаси бўлмайди». «Ўзагрострой»нинг арман халқига кўрсатаётган байналмилал ёрдами ҳақида. 20.20 «Пиллапоя бўйлаб юқорига». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Ҳужжатли фильм. 22.00 «Комедия кечаси». 23.00 «ЎзССР халқ артисти Д. Ҳожиқулов куйлайди». Фильм-концерт премьераси («Ўзбектелефильм»). 23.20 Янгиликлар. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.00 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм. 3-серия. Премьера. 10.10 «Ўрмоннинг яратилиши». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.30 «Телесеанс. Телефильмлар анонси». 11.00 «Марина Цветаеванинг ҳалокати». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.05 «Чол қандай қилиб ёмғир кетидан борди». Мультфильм. 12.15 «Бор бўл, мусиқа!» 13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Тулпор — менинг дўстим». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 5-серия — «Бузкачи», 6-серия — «Гаучос Памерос».

* * *

16.00 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Талькав». 17.05 «Мусиқий хазина». В.-А. Моцарт ва Р. Шуманнинг фортепьяно асарлари. 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.55 Реклама. 19.00 «Время» Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Мангуликка айланган лаҳзалар». 20.10 «Ким бўлмаган воқеани айтиб беради». Мультфильм. 20.20 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм. 3-серия. Премьера. 21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Опера шинавандаларига». Телевизион клуб. 23.25 «Бизнинг мерос». Икки учрашув. 23.55 «Братислава мусиқий тантаналари» фестивалининг концертлари. Й. Гайдн. Кларнет ва оркестр учун концерт.

● **МТ II**

17.30 «Қиш эртаги». Мультфильм. 17.45 «Токай яшайман». А. Сумароков. 19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурда таржимаси билан). 19.30 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. «Монреаль канадиенс» (Канада) — «Крилья Советов» (Москва). 1- ва 2-даврлар. Канададан кўрсатилади. 20.40 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Цирк байрами». 20.55 «Монреаль канадиенс» (Канада) — «Крилья Советов» (Москва) командалари ўртасида хоккей бўйича ўртоқлик учрашуви. 3-давр. 21.30 «Бошқирд диёрининг рус қўшиқлари». Уфадан кўрсатилади. 22.00 МТ фондидан «Олтин мина». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 «Каунас қўнғироқлари». Фильм-концерт («Экран»).

«Ёш ленинчи»
МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
Р — 03003
Д-2802

Муҳаррир ўринбосари Қулман ОЧИЛ.